ЎзССР Давлат китоб палатаси
Инв.
Гос. книжная палата УзССР
8 АПР 1991

Халқ денгиздир, халқ тўлқиндир, халқ кучдир!

ХАЛҚ СЎЗИ
خلق سوزی

ҲИЖРИЙ:
ҚАМАРИЙ 1411 ЙИЛ
РАМАЗОН, 13-КУН.
ШАМСИЙ
1370 ЙИЛ
ҲАМАЛ, 9-КУН

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ КЕНГАШИНИНГ РЎЗНОМАСИ

1991 йил 1 январда таваллуд топган

1991 йил 29 март, жума, № 62

НАРХИ ОБУНАЧИГА 7 ТИЙИН. СОТУВДА 10 ТИЙИН.

Водийларни дёв кезганда...

«Халқ сўзи» мухбирлари ва жамоатчи қаламкашлар хабар берадилар

Пўлат ГАДОЕВ:

ШАҲРИСАБЗ

«ҲУЖУМ» бадиий буюмлар фабрикаси чеварлари яратаётган кашталар, дўппилар, гиламлар, совғабоп буюмларнинг аксарияти санъат асари сифатида жаҳондаги кўпгина музей ва кўргазмалардан жой олган.

Фабрика жамоаси яқинда деворбоп кашталар тикишни йўлга қўйди. «Раққоса» деб номланган бу кашталар келинчаклар уйини, меҳмонхоналарни безайди.

Раҳим КАРИМОВ:

ЎШ

ВИЛОЯТ тиш касалликлари поликлиникасида тошкентлик табиблар беморларни қабул қила бошладилар. Тошкентдаги врачлар малакасини ошириш институти ортопедик стоматология кафедрасининг мудири, профессор Карим Маликов раҳбарлигидаги шифокорлар беморларга тиббий хизмат кўрсатибгина қолмай, ўшлик ҳамкасблари билан ўз тажрибаларини ўртоқлашмоқдалар ва илмий маърузалар қилмоқдалар.

ЖАЛОЛОБОД

ШАҲАР кутубхонасида китобхонларнинг Алишер Навоий туғилган кунининг 550 йиллигига бағишланган конференцияси бўлди. Назм ихлосмандлари шоирнинг ҳаёти ва ижоди ҳақида фикр юритдилар, «Навоий ва ҳозирги замон», «Хамса»нинг тарбиявий аҳамияти», «Навоий ва қирғиз адабиёти» мавзуларида баҳслашдилар.

Маҳмуд МАРДИЕВ:

НАВОИЙ

ОШКОРАЛИК шарофати билан шаҳарда «Ариадна» ҳамда «Контакт» номлари билан иккита мустақил рўзнома ташкил этилганди, лекин улар ўз ўқувчиларини топиб улгурмай тугатилганди. Яқинда яна бир мустақил рўзнома чиқа бошлади. У «Салом! Здравствуйте!» деб аталади. Рўзномани уруш ва меҳнат фахрийлари Бутуниттифоқ кенгаши тижорат марказининг вилоят бўлими таъсис этди. Ундан тушадиган фойда уруш ва меҳнат фахрийлари, кўп болали оилаларга сарфланади.

Республика Матбуот давлат комитети янги рўзномани 56-рақами билан рўйхатга олди.

Очил ТОҲИРОВ:

ЖАРҚЎРҒОН

«КОММУНИЗМ» жамоа хўжалиги аъзоларининг ўтган йилги умумий йиғилишида хўжаликка ҳазрат Навоий номини бериш ва алломанинг ҳайкалини ўрнатиш таклифи киритилганди. Ниҳоят таклиф рўёбга чиқди: хўжалик шу йил 9 февралдан эътиборан Алишер Навоий номи билан атала бошланди. Бобокалонимизнинг идора олдига ўрнатилган ҳайкали катта тантана билан очилди. Уни хўжалик ҳудудида яшовчи Элмурод Мардонов ишлаган.

Набижон СОБИРОВ:

МАРҒИЛОН

ОДАТДА улгуржи савдо базалари дўконларга тайёр маҳсулотлар ва турли молларни етказиб бериш, тақсимлаш билан шуғулланади. Вилоят ва шаҳар Советлари депутати Темирхон Мухторов раҳбарлик қилаётган Марғилон улгуржи савдо базасининг ходимлари касбларини ўзгартиришга ҳаракат қилаяптилар.

База қошида пишлоқ цехи ташкил этилди. Цех вилоятдагина эмас, водийда ҳам қалдирғоч корхонадир. Унинг дастлабки маҳсулотлари Марғилон ва Фарғона шаҳарлари ҳамда атроф районлар аҳолиси дастурхонига тортиқ қилинди. Корхона пишлоқларн мазаси ва сифати жиҳатидан сут комбинатларинкидан сира қолишмайди. Цехда кунига 450—500 килограмм атрофида парҳез маҳсулот тайёрланмоқда. База қошидаги ғишт заводи, тикувчилик ва пойабзал цехлари ҳам маҳсулот бера бошлади.

Ишбилармонлик, тадбиркорлик, узоқни ўйлаб иш кўриш — Тошкент механика тажриба ускунасозлик ва техник мослама заводи жамоасининг айни муддаоси. Ҳозир бу ерда асосий маҳсулотлардан ташқари уй жиҳозлари учун ойналар ҳам тайёрланмоқда. Термослар ишлаб чиқарилаяпти. Аҳолининг халқ истеъмоли буюмларига бўлган эҳтиёжини қондириш йўлида қилинаётган бу ишларда тажрибали йиғувчи Зиёвуддин Азизовнинг алоҳида улуши бор. Унинг қўлидан ўтаётган янги термослар бир қарашдаёқ одамнинг эътиборини тортади.

СУРАТДА: Зиёвуддин Азизов иш устида.

Ҳ. СОЛИҲОВ олган сурат.

СССР Вазирлар кабинетининг 1991 йил 19 мартдаги 105-сон қарори

МОСКВА, КРЕМЛЬ.

ЧАКАНА НАРХЛАРНИ ИСЛОҲ ҚИЛИШ ВА АҲОЛИНИ ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯЛАШ ТЎҒРИСИДА

Нарх-наво ва даромадлар соҳасида умумий келишилгани сиёсат ўтказиш тўғрисида ССР Иттифоқи билан республикалар ўртасидаги битимга ҳамда СССР Президентининг чакана нархларни ислоҳ қилиш ва аҳолини ижтимоий ҳимоялаш масалаларига доир Фармонига мувофиқ СССР Вазирлар Кабинети қарор қилади:

1. ЧАКАНА НАРХЛАРНИ ИСЛОҲ ҚИЛИШ СОҲАСИДА

1. Чакана нархлар ислоҳоти амалга оширилсин. Бу ҳалқ истеъмоли моллари нархи ва хизмат тарифлари, уларни ишлаб чиқариш ва амалга оширишнинг амалдаги нархини, истеъмол хусусиятларини, талаб ва таклиф нисбатини, мамлакат бутун ҳудуди учун аҳолининг турмуш даражасини белгиловчи асосий моллар чакана нархи оширилиши чегаралари белгиланишини ҳисобга олиб, шакллантирилишини назарда тутган ҳолда чакана нархлар босқичма-босқич либераллаштирилишини ўз ичига олади.

Чакана нархлар ва тарифлар ўзгариши аҳолини ижтимоий жиҳатдан ҳимоя қилишга оид компенсация тадбирларини ўтказиш, иш ҳақи, стипендиялар, пенсиялар, нафақалар ва бошқа ижтимоий тўловларни ошириш билан узвий қўшиб олиб борилсин.

2. Мамлакат бутун ҳудуди учун халқ истеъмоли асосий молларига давлат чакана нархларини оширишнинг 1-иловага мувофиқ республикалар билан келишилган энг кўп миқдорлари белгилансин.

Республикалар ўз ҳудудида ишлаб чиқариладиган ва истеъмол қилинадиган айрим молларга бирмунча пастроқ нархлар белгилашлари мумкин.

3. СССР Давлат нарх комитети ва республикалар ҳукуматлари ўз ваколатларига мувофиқ янги давлат чакана нархларини тасдиқласинлар ва 1991 йилнинг 2 апрелидан уларни жорий этсинлар.

Дори-дармон ва тиббий буюмлар, қаҳва, синтетик толадан тўқилган газлама ва улардан тайёрланган буюмлар, синтетик материаллардан тайёрланадиган пойабзал, мўйна, трикотаж, пайпоқ ва ўйинчоқлар, бензин, керосин, электр энергия, газ, кўмир, аҳолига бериладиган ёқилғи ва ўтин, шунингдек арақнинг амалдаги давлат чакана нархлари оширилмасин.

4. Чакана нархлар ошишини чеклаш мақсадида 1991 йил учун гўшт, сут, балиқ маҳсулоти, дори-дармон ва ижтимоий аҳамиятга эга бўлган бошқа айрим халқ истеъмоли молларига бериладиган дотация қисман сақлаб қолинсин.

5. 1991 йилда моллар 2-сон иловага мувофиқ, аҳолига бошқариладиган нархларда сотилиши белгилансин. Нархлар нархномада кўрсатилган нархларга нисбатан уларнинг энг кўп даражаси ёки миқдорини жорий этиш йўли билан ёхуд нарх белгилаш идоралари ўз ваколати доирасида белгилайдиган тартибда бошқарилади.

СССР Давлат нарх комитети ва республикаларнинг нарх белгилаш идоралари ўз ваколатига мувофиқ, нархларининг энг юқори даражаларини ёки уларни ўзгартириш миқдорини тасдиқласинлар ҳамда барча манфаатдор корхоналар ва ташкилотларга маълум қилсинлар.

6. Моллар 3-сон иловага мувофиқ СССР Вазирлар Кенгашининг 1990 йил 12 ноябрдаги 1134-сон қарори билан тасдиқланган аҳолига шартнома (эркин) чакана нархларда сотиладиган ҳалқ истеъмоли моллари рўйхатига киритилсин.

7. Нарх белгилашни келгусида либераллаштириш муносабати билан «Д» ва «Н» индексли янги халқ истеъмоли молларига устама нархлар белгилашга чек қўйилсин.

8. Аҳолига савдо хизмати кўрсатиш, арзон ва қиммат молларни сотиш баб-баравар манфаатлилигини таъминлаш мақсадида СССР Давлат нарх комитети СССР Савдо вазирлиги билан биргаликда янги давлат чакана нархлари билан бирга ҳалқ истеъмоли моллари бўйича табақаланган янги савдо чегиришларини жорий этсинлар. Бунда чакана савдо ва умумий овқатланиш корхоналари учун чегиришларнинг бир хил миқдорлари белгилансин.

Республикалар ҳукуматларига давлат чакана нархлари бўйича моллар етказиб бериш чоғида оширилган савдо чегиришлари бериладиган районлар, ташкилотлар ва корхоналар рўйхатини аниқлаш, шунингдек улгуржи ҳамда чакана нархлар ва тарифлар, ижтимоий суғурта бадаллари ва савдо чегиришлари оширилиши муносабати билан умумий овқатланишда қўшимча нархлар миқдорларини қайта кўриб чиқиш тавсия қилинсин.

СССР Темир йўллар вазирлиги ва СССР Денгиз флоти вазирлиги вагон-ресторанлар ва купе-буфетларда, кемалардаги умумий овқатланиш корхоналарида сотиладиган маҳсулот ва молларга янги нархларни белгиласинлар.

9. СССР Темир йўллар вазирлиги, СССР Фуқаро авиацияси вазирлиги, СССР Денгиз флоти вазирлиги ва СССР Алоқа вазирлиги СССР Давлат нарх комитети билан келишиб темир йўл, авиация, денгиз транспортида йўловчиларни ташиш ва уларга алоқа хизмати кўрсатишнинг янги тарифларини тасдиқласинлар.

10. СССР Давлат нарх комитети ва республикаларнинг бошқарув ндоралари янги чакана нархлар барча манфаатдор корхоналар ва ташкилотларга маълум қилинишини таъминласинлар.

СССР Давлат нарх комитети, СССР Молия вазирлиги ва СССР Савдо вазирлиги янги давлат чакана нархлари, бошқариладиган ва эркин нархлар жорий этиладиган санагача молларга қайта нарх белгилаш тартибини йўлга қўйсинлар. Молларга қайта нарх белгилашдан тушган маблағлар баб-баравар улушларда Иттифоқ бюджетига ва иттифоқдош жумҳуриятларнинг бюджетларига ўтказилади.

11. Амалдаги чакана нархлари янги улгуржи нархларидан арзон (савдо чегиришлари чиқариб ташланганидан кейин) ашёвий халқ истеъмоли моллари тайёрловчи корхоналар уларни савдо ташкилотларига (корхоналарига), бошқа истеъмолчиларга улгуржи нархларда (СССР ҳукумати ва республикалар ҳукуматларининг қарорларига мувофиқ дотация бериладиган номенклатурадаги маҳсулот туркумига кирувчи моллар бундан мустасно), аҳолига эса 20 фоизгача (чекка Шимол районлари учун ҳамда уларга тенглаштирилган олис ва тоғли районлар учун 30 фоизгача) миқдорда қўшимча савдо нархлари билан биргаликда улгуржи нархларда сотишлари белгилансин.

12. Республикаларнинг ҳукуматлари, СССР Давлат нарх комитети нарх-наво соҳасидаги умумий сиёсатга амал қилсинлар, нарх белгилашнинг белгиланган тартибига риоя этилишини назорат қилишни кучайтирсинлар, амалдаги қоидаларни бузиб белгиланаётган нархларни ўз вақтида бекор қилсинлар, давлат нарх интизомини бузувчи корхоналар ва ташкилотларга иқтисодий жазо чоралари кўриш муқаррарлигини таъминласинлар ҳамда ана шундай қонун бузишларда айбдор бўлган шахсларни жавобгарликка тортиш чора ларини кўрсинлар.

II. ЧАКАНА НАРХЛАР ЎЗГАРИШИ МУНОСАБАТИ БИЛАН АҲОЛИНИ ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯЛАШ СОҲАСИДА

13. Аҳолини ижтимоий ҳимоялашга доир туркум тадбирларни амалга оширишда СССР фуқароларининг меҳнат қилиш ва уларга адолатли ҳақ тўлаш конституциявий ҳуқуқларига, уларнинг қонунлар олдидаги тенглигига ва барча республикалар фуқароларининг тенг ҳуқуқлилигига сўзсиз риоя этилишига амал қилинсин.

Давлат чакана нархларн ўзгариши билан бўладиган қўшимча харажатлар учун мамлакат аҳолисига қуйидаги асосий қоидаларга мувофиқ:

асосий озиқ-овқат моллари, қурилиш материаллари ва мебелларнинг оммавий турлари, шунингдек бошқа ашёвий моллар қимматлашувидан тушадиган барча маблағларни республикалар аҳолининг турли ижтимоий табақалари ва гуруҳлари даромадлари даражасини ҳисобга олиб белгилайдиган рўйхатлар асосида компенсация тўлашга ажратиш;

болаларга аталган моллар қимматлашишига балоғатга етмаган болалари бўлган оилаларга муайян мақсадни кўзлаб тегишли маблағлар ажратиш йўли билан тўла компенсация тўлаш;

аҳолининг ижтимоий-нуфус гуруҳларига қараб ижтимоий жиҳатдан ҳимояланиши лозим бўлган табақаларни, энг аввало болалар, ўқувчи ёшлар, ногиронлар, пенсионерлар, ёш, ё ота ёки она бўлмаган оилаларни ва кўп болали оилаларни устун даражада моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш йўли билан бюджет ва бошқа манбалар ҳисобидан компенсацня тўловларининг табақалаштирилган миқдорларини белгилаш;

бир вақтнинг ўзида корхоналар (колхозлар) олдиган фойдага ва фуқароларнинг даромадларига солиқ солишни камайтириш йўли билан ишловчиларнинг иш ҳақини (меҳнатига ҳақ тўлашни) ошириш;

нархлар ва тарифлар оширилишидан тушган маблағларнинг бир қисмини таълим, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий таъминот, маданият ва архив муассасалари соҳаси етакчи касблардаги ходимлари иш ҳақи даражасини қўшимча равишда оширишга ажратиш;

ўқувчи ёшларнинг амалдаги стипендияларини ошириш ва янги стипендиялар жорий этиш;

ҳарбий хизматчиларга бериладиган пул, озиқ-овқат, кийим-кечак ва моддий таъминлашнинг бошқа турлари миқдорини ошириш;

СССР ижтимоий суғурта фонди ва СССР пенсия фонди маблағлари ҳисобига пенсиялар, нафақалар ва бошқа ижтимоий тўловлар барча турлари миқдорини ошириш, шунингдек давлатнинг моддий қўллаб қувватлашидан фойдаланадиган кишилар доирасини кенгайтириш;

касалхоналар, интернатлар, мактаблар, қариялар ва ногиронлар уйлари, мактабгача тарбия муассасаларида ва ижтимоий соҳанинг бошқа муассасаларида аҳолига ижтимоий хизмат кўрсатишга ҳаражатлар оширилишига тўла компенсация тўлаш;

маҳаллий идоралар берадиган ижтимоий энг аввало натура тарзидаги ёрдамнинг хилма-хил турлари билан аҳолининг кам таъминланган табақаларига пул билан компенсация тўлашни тўлдириш;

озиқ-овқат моллари давлат чакана нархлари поясларга қараб табақалаштирилишини бекор қилиш;

иш ҳақига амалдаги район коэффициентларини ҳисобга олиб компенсация тўловлари миқдорини белгилаш йўли билан компенсация тўланади.

Чакана нархларни ислоҳ қилиш ва аҳолини ижтимоий ҳимоялаш масалаларига оид СССР Иттифоқи ва республикалар ўртасидаги битимга мувофиқ республикалар, ўлкалар ва вилоятлар бўйича компенсация миқдори аҳоли 1990 йилги давлат ресурсларидан амалда моллар истеъмол қилганлигига ва кўрсатилган хизматларга қараб белгиланиши;

студентлар ва ўқувчиларга, пенсионерларга, болаларга ҳамда ижтимоий пенсия ва нафақа оладиган бошқа болаларга дастлабки компенсация тўловлари олдиндан, истеъмол молларн ва хизматларнга янги нархлар жорий этиладиган муддатгача тўланиши;

(Давоми иккинчи бетда).

СССР Вазирлар кабинетининг қарори

1991 йил 26 март № 121 Москва, Кремль

ҲАҚИҚИЙ ҲАРБИЙ ХИЗМАТНИНГ БЕЛГИЛАНГАН МУДДАТЛАРИНИ ЎТАБ БЎЛГАН ҲАРБИЙ ХИЗМАТЧИЛАРНИ ССР ҚУРОЛЛИ КУЧЛАРИ, ЧЕГАРА, ИЧКИ ВА ТЕМИР ИЎЛ ҚЎШИНЛАРИ САФЛАРИДАН ЗАҲИРАГА БЎШАТИШ ҲАҚИДА ВА ФУҚАРОЛАРНИ 1991 ИИЛ АПРЕЛЬ—ИЮНЬ ОЙЛАРИДА ҲАҚИҚИЙ ҲАРБИЙ ХИЗМАТГА НАВБАТДАГИ ЧАҚИРУВ ТЎҒРИСИДА

«Умумий ҳарбий мажбурият тўғрисида»ги СССР қонунини ижро этиш юзасидан СССР Вазирлар кабинети қарор қилади:

1. Ҳақиқий ҳарбий хизматнинг белгиланган муддатларини ўтаб бўлган муддатли хизмат ҳарбий хизматчилари 1991 йил апрель-июнь ойларида СССР Қуролли Кучларига, чегара, ички ва темир йўл қўшинлари сафларидан заҳирага бўшатилсин.

2. Чақирув кунигача 18 ёшга тўладиган, ҳақиқий ҳарбий хизматга чақирув муддатини кечиктириш ҳуқуқига эга бўлмаган эркак фуқаролар, шунингдек чақирув муддатини кечиктириш ҳуқуқидан ҳоли бўлган чақирув ёшидан катта ёшдаги фуқаролар 1991 йилнинг апрель-июнь ойларида СССР Қуролли Кучларига, чегара, ички ва темир йўл қўшинларига ҳақиқий муддатли ҳарбий хизматга чақирилсин.

3. Қарор оммавий ахборот воситаларида эълон қилинсин.

СССР Бош вазири
В. ПАВЛОВ

СССР Вазирлар кабинетининг ишлар мудири
И. ПРОСТЯКОВ.

СУРЪАТ БЎШАШМАЁТИР

«Ўзбитхим» ишлаб чиқариш жамоаси биринчи чорак топшириғини белгиланган муддатдан илгари бажарди. Тошкентлик кимёгарлар режалаштирилган 7,7 тонна синтетик кир ювиш воситалари ўрнига республика савдо тармоқларига 8 минг тоннадан кўпроқ кир ювиш нукуни етказиб бердилар. Бирлашма икки йил бўлдики, мамлакат тармоқ корхоналари ўртасидаги мусобақада сурункасига олдинда бормоқда.

Режалаштирилган кўрсаткичларни муntазам равишда ошириб бажариш, олинаётган катта фойда маблағларининг бир қисмини янчагина тўпланиб қолган ижтимоий-маиший муаммоларни ҳал этишга сарфлаш имконини яратди. Корхона ходимлари учун бепул нонуштаалар берилмоқда. Хўжалик усули билан жадал суръатларда уй-жойлар қурилмоқда. Ишчиларнинг буюртмаларига кўра санаторий ва профилактория йўлланмалари сотиб олинмоқда. Корхона жамоаси кенгаши билан биргаликда чиқарилган рағбарият қарорига кўра, бирлашманинг ҳар бир ходимига 100 сўмдан «компенсация» пули тўланди.

(ЎзТАГ).

ЎЗБЕКИСТОН ССР ПРЕЗИДЕНТЛИК КЕНГАШИДА

27 март куни Тошкентда Ўзбекистон ССР Президентлик кенгашининг мажлиси бўлди. Мажлисни Ўзбекистон ССР Президенти И. А. Каримов олиб борди.

Мажлисда маданий меросни, миллий урф-одатларни ўрганиш, муҳофаза ва тарғиб қилиш давлат дастури ҳақидаги, тарихий ёдгорликларни тиклаш ва сақлаш учун маблағ манбаларидан бири бўлган туризмни ривожлантириш тўғрисидаги масала муҳокама этилди. Бу ҳақда Ўзбекистон ССР Президенти ҳузуридаги Вазирлар маҳкамаси раисининг ўринбосари Э. С. Самандаров ва республика Президентининг маслаҳатчиси Б. А. Назаров маъруза қилдилар.

Республикадаги аҳолининг меҳнатга лаёқатли қисмини иш билан самарали таъминлаш ҳақидаги масала муҳокама қилинди. Ушбу масала юзасидан Ўзбекистон ССР Президенти ҳузуридаги Вазирлар маҳкамаси раисининг ўринбосари Б. С. Ҳамидов маъруза қилди.

Мажлисда Ўзбекистон ССР Олий Кенгашининг раиси М. И. Иброҳимов иштирок этди.

(Мажлис ҳақидаги ҳисобот рўзномаларнинг кейинги сонида эълон қилинади).

(ЎзТАГ).

Ўзбекистон ССР Олий Кенгаши раёсатида

26 март куни Ўзбекистон ССР Олий Кенгаши раёсатининг мажлиси бўлди. Мажлисни республика Олий Кенгашининг раиси М. И. Иброҳимов олиб борди.

СССР референдумини ўтказувчи Ўзбекистон ССР марказий комиссияси раисининг Ўзбекистон ССРда Совет Социалистик Республикалари Иттифоқини сақлаб қолиш юзасидан бўлган референдум якунлари тўғрисидаги ахбороти тингланди. Совет, партия идоралари, жамоат бирлашмалари, халқ депутатларининг аниқ бир мақсадга йўналтирилган ишлари, марказий комиссиянинг ана шу ниҳоятда муҳим сиёсий тадбирни ташкилий-техникавий жиҳатдан таъминлашга оид аниқ-пухта фаолияти туфайли республикамизда референдум юксак даражада ўтди. Ўзбекистон халқлари мустақил давлатларнинг янгиланган федерацияси сифатида ягона иттифоқни сақлаб қолиш йўлига қатъий содиқ эканлигини намойиш қилди. Референдум чоғида фуқаролардан тушган хатлар ва аризаларни ниҳоятда синчковлик билан таҳлил этиш, мазкур мурожаатларда кўтарилган масалаларни ҳал қилиш юзасидан амалий тадбирлар кўриш зарур, деб топилди.

Ўзбекистон ССР Олий Кенгаши комитетларининг 1991 йилги қонун лойиҳаларига доир ишлари режаси кўриб чиқилди. Бу йил республика турмушининг барча соҳаларида ислоҳотлар ўтказиш учун ҳуқуқий негиз яратишга доир жуда катта ишларни амалга ошириш зарурлиги таъкидланди. 40 дан ортиқ қонун лойиҳасини, шу жумладан «Ўзбекистон ССРда кооперация тўғрисида», «Матбуот ва бошқа оммавий ахборот воситалари тўғрисида», «Ўзбекистон ССР аҳолисини иш билан таъминлаш ҳақида», «Ўзбекистон ССРда табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги ва бошқа бир қанча қонунлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш керак. Раёсат режа лойиҳасини маъқуллаб, Олий Кенгаш комитетларининг, республика вазирликлари, идораларининг уни амалга ошириш борасидаги аниқ равишан назифаларини белгилаб берди.

Мажлисда халқ депутатлари Сурхондарё вилоят Совети раёсатининг Узун районини ташкил этиш тўғрисидаги таклифи қўллаб-қувватланди. Мазкур масалага доир фармон лойиҳасини Ўзбекистон ССР Президенти кўриб чиқиши учун тақдим этишга қарор қилинди.

Республика Президенти И. А. Каримов тақдим этган «Ўзбекистон ССРда СПИД касаллигининг олдини олишга доир шошилинч тадбирлар тўғрисида»ги фармонининг лойиҳаси муҳокама қилинди. Раёсат республикада СПИД касаллиги оқибатларининг олдини олиш ишида ушбу фармоннинг фавқулодда муҳим аҳамиятга эга эканинн таъкидлаб, унинг лойиҳаси матнинн маъқуллади.

Ўзбекистон ССР Олий Кенгаши раёсатининг 1985 йил 17 августдаги фармонининг матнига ўзгартишлар киритилди. М. Ўлдошев бошқа ишга ўтганлиги муносабати билан Ўзбекистон ССР озиқ овқат саноати вазири вазифасидан озод этилди.

Б. Р. Раҳимовнинг «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган иқтисодчи» фахрий унвонини тиклаш тўғрисида қарор қабул қилинди.

(ЎзТАГ).

ЧАКАНА НАРХЛАРНИ ИСЛОҲ ҚИЛИШ ВА АҲОЛИНИ ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯЛАШ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Боши биринчи бетда).

республикаларнинг идоралари регионал шароитлар ва истеъмол тартибини ҳисобга олиб, компенсация тўловларининг аниқ миқдори ва тартибини ушбу қарорда кўзда тутилган аҳоли тегишли гуруҳлари даромадларини оширишнинг кафолатланган миқдоридан паст бўлмаган миқдорда белгилайдилар, деб белгилаб қўйилсин. Бунда янги чакана нархларни жорий этишда ССР Иттифоқи билан республикалар ўртасидаги ана шу битимда ҳамда мазкур қарорда кўзда тутилган даражаларга амал қилинади.

АҲОЛИ ДАРОМАДЛАРИНИ ОШИРИШ ТАРТИБИ ВА УЛАРНИНГ КАФОЛАТЛАНГАН ЭНГ КАМ МИҚДОРИ

ИШЛАБ ТУРГАН ФУҚАРОЛАРГА

14. Давлат корхоналари, ташкилотлари ва муассасалари СССР ҳукумати ёки унинг топшириғига кўра бошқа органларнинг қарорлари билан тасдиқланган тариф ставкалари ва мансаб окладларини қайта кўриб чиқсинлар.

Ставкалар ва окладларни корхона маъмурияти касаба уюшмаси комитети билан келишиб, ушбу қарорнинг 13-бандида баён этилган компенсация тўлашнинг асосий қоидалари ҳамда республикалар ҳукуматларининг қарорлари ҳисобга олинган тартибда ва миқдорда, бироқ ойига 60 сўмдан кам бўлмаган миқдорда оширилади.

Зарур ҳолларда дастлабки тўловлар мутлақ миқдордаги алоҳида ведомостлар асосида иш ҳақига махсус қўшимча тарзида тўлансин, сўнгра ана шу миқдор ставкалар ва окладларга киритилсин.

Давлат тариф ставкалари мансаб окладларини қўллаётган жамоа ва кооператив хўжаликларга, жамоат ташкилотларига ишлаб турганлар иш ҳақини ушбу қарорда давлат корхоналари ва ташкилотлари учун белгиланган қоидаларни ҳисобга олиб ошириш тавсия этилсин.

15. СССР ҳукуматининг ва унинг топшириғига кўра бошқа органларнинг қарорлари билан тасдиқланган ҳамда ушбу қарорнинг 14-бандига мувофиқ 60 сўм оширилган тариф ставкалари ва мансаб окладлари бундан буён, СССР Олий Кенгаши энг кам иш ҳақининг янги даражасини белгилаш тўғрисида қонун ҳужжатлари қабул қилиб, меҳнатга ҳақ тўлашни ислоҳ қилгунга ҳамда корхоналар маъмурияти билан касаба уюшмалари (ёки меҳнат коллективи вакил қилган бошқа орган) ўртасида тариф битимлари тузилгунга қадар муайян касб-малака гуруҳлари учун меҳнатга ҳақ тўлаш энг кам даражаларининг давлат кафолатлари деб ҳисоблансин. Бунда меҳнат қонунида белгиланган иш вақтига риоя этиш ва ходим меҳнат мажбуриятларини (меҳнат нормаларини) бажариши шарт.

16. Белгилаб қўйилсинки, ушбу қарорнинг 14-бандига мувофиқ корхоналар ишчилар ва хизматчиларга оширилган тариф ставкаларини, мансаб окладларини мустақил белгилайдилар, бунда ходимлар категориялари орасидаги ставкалар ва окладлар миқдорида амалдаги нисбатлар сақланиб қолади, шунингдек қўшимчалар, мукофотлар ва рағбатлантирувчи тусдаги бошқа тўловлар, жумладан кўп йил ишлагани учун бир марта бериладиган мукофотнинг турлари ва миқдорини белгилайдилар. Бунда корхоналар ва илгари ана шу мақсадлар учун ажратилган маблағлар сақлаб қолинади.

Ходимларнинг тегишли касб-малака гуруҳлари учун ставкалар ва окладларнинг, шунингдек устама ҳақ, қўшимчалар ва мукофотларнинг аниқ миқдори корхоналарда жамоа шартномалари (тариф битимлари) шартлари асосида белгиланади.

Ана шу ҳуқуқлар «СССРда корхоналар тўғрисида», «Корхоналар, бирлашмалар ва ташкилотлардан олинадиган солиқлар тўғрисида» ҳамда «1991 йилги Иттифоқ бюджети ҳақида»ги СССР қонунларига мувофиқ меҳнатга ҳақ тўлаш учун ажратиладиган маблағлар ҳисобига ва улар доирасида рўёбга чиқарилади. Бунда 1991 йилги истеъмол фондини ташкил этиш учун қабул қилинадиган меҳнатга ҳақ тўлашнинг база фонди ушбу қарорнинг 14-бандида кўзда тутилган ставкалар ва окладларнинг энг кам даражада оширилган миқдорига етказилади.

Бюджетдан маблағ билан таъминланадиган корхоналар, ташкилотлар ва муассасалар ушбу ҳуқуқларни ана шу мақсадлар учун ажратилган маблағлар доирасида рўёбга чиқарадилар.

17. Белгилаб қўйилсинки, мазкур қарорда кўзда тутилган меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам даражалари ҳамда ставкалар ва окладларни ошириш тартибининг давлат кафолатлари мулкчиликнинг турли шаклларидаги корхоналар, ташкилотлар ва муассасалар томонидан ишга ёлланган шароитдаги меҳнат муносабатларида бўлган ходимларга жорий этилади.

18. Таълим, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий таъминот, маданият соҳаси ва архив муассасаларининг етакчи касблардаги ходимларининг иш ҳақи ишлаб чиқариш тармоқлари ходимларига тўланадиган меҳнат ҳақига яқинлаштирилган ҳолда оширилсин.

Нарх-наво оширилиши муносабати билан ана шу тармоқларнинг ходимларига (шунингдек бошқа тармоқларнинг ходимларига ҳам) олдиндан компенсация тўловлари ойига 60 сўм миқдорида алоҳида ведомость бўйича тариф ставкалари ва окладларига махсус қўшимча тарзида тўлансин.

СССР Давлат меҳнат ва ижтимоий масалалар комитети ходимларининг ана шу категорияларига тариф ставкалари ва окладларининг янги миқдорларини тасдиқласин. Бунда ана шу тариф ставкалари ва окладларининг миқдорини СССР ҳукумати ёки унинг топшириғига кўра бошқа идораларнинг қарорларида илгари белгиланганига қараганда ўртача 1,6-1,7 баравар (ушбу қарорнинг 14-бандида кўзда тутилган тадбирларни ҳисобга олиб) ошириш кўзда тутилсин.

19. Республикаларнинг ҳукуматлари мамлакатнинг Шимолий ва Шарқий минтақаларида узлуксиз иш стажи учун иш ҳақига коэффициентлар (район, баланд тоғларда, чўлда ва сувсиз районларда ишлаганлик учун) ва фоизли қўшимчалар белгилаш учун иш ҳақининг амалдаги энг кўп миқдори (300 сўм)ни нарх-наво ошиши муносабати билан аҳоли даромадларини оширишнинг республикалар белгилайдиган кафолатлари миқдорида оширишлари мумкин.

БОЛАЛИ ОИЛАЛАРГА

20. Болали оилалар турмуш даражасини сақлаб қолиш мақсадида ана шундай оилаларга ижтимоий нафақаларнинг амалдаги миқдори 1,6-1,8 баравар оширилсин, шунингдек илгари нафақа олмаган 16 ёшгача бўлган болаларга, стипендия олмайдиган 18 ёшгача бўлган ўқувчиларга махсус компенсациялар жорий этилсин.

21. Энг кам иш ҳақининг белгиланганига нисбатан фоиз миқдорида ижтимоий тўловлар миқдорларини белгилашнинг амалдаги тартибини сақлаб қолиш мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблансин. Энг кам иш ҳақининг янги даражаси тасдиқлангунга қадар болали оилаларга амалдаги нафақалар энг кам миқдорининг қуйидаги давлат кафолатлари белгилансин:

а) ҳар бир бола туғилганда бир марта бериладиган нафақа —250 сўм;

б) 110 сўм миқдоридаги ойлик нафақалар:

бола бир ярим ёшга тўлгунча бир йиллик иш стажига эга бўлган ишловчи оналарга (18 ёшга етмаган аёлларга иш стажидан қатъи назар), шунингдек ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда ўқиётган оналарга. Икки ва ундан ортиқ бола туғилганда нафақа ҳар бир болага тўланади;

муддатли хизматдаги ҳарбий хизматчиларнинг болаларига;

васийликка (мутасаддиликка) олинган болаларга;

болалар уйларининг (мактаб-интернатларнинг) собиқ тарбиячилари бўлган ёлғиз оналар (аёл ва эркак бевалар)нинг болаларига;

инсоннинг иммунитети етишмаслик вируси юққан ёки СПИДга чалинган 16 ёшгача бўлган болаларга;

в) 90 сўм миқдорида ойлик нафақалар:

6 ёшдан 16 ёшгача болалари (стипендия олмайдиган 18 ёшгача бўлган ўқувчилар) бўлган ёлғиз оналарга;

ота-онаси алимент тўлашдан бош тортадиган, ёхуд алимент ундириб олишнинг иложи бўлмаган тақдирда, қонунда кўзда тутилган бошқа ҳолларда 6 ёшдан 18 ёшгача бўлган болаларга;

г) 80 сўм миқдорида ойлик нафақалар: бир йиллик иш стажига эга бўлмаган, ишлайдиган ва ишламайдиган аёлларга бола бир ярим ёшга тўлгунга қадар уни парвариш қилиш учун бериладиган. Икки ва ундан ортиқ бола туғилганда нафақа ҳар бир болага тўланади;

бир ярим ёшдан 6 ёшгача бўлган болаларга. Бунда жами даромаднинг оила ҳар бир аъзосига тақсимланадиган ва нафақа олиш ҳуқуқини берадиган энг кўп миқдори энг кам иш ҳақининг тўрт баравар оширилган миқдорида белгиланиб, икки баравар оширилсин;

6 ёшгача болалари бўлган ёлғиз оналарга;

ота-онаси алимент тўлашдан бош тортадиган ёхуд қонунда кўзда тутилган ва алимент ундиришнинг иложи бўлмаган ва бошқа ҳолларда 6 ёшгача бўлган болаларга.

22. Ижтимоий таъминотнинг амалдаги системасига кўра нафақа ва пенсия олмаётган болаларга ойлик тўловлар 16 ёшгача бўлган болаларга (стипендия олмайдиган 18 ёшгача бўлган ўқувчилар) 40 сўм миқдорида белгилансин.

23. Болаларга аталган моллар анча қимматлашганлиги муносабати билан балоғатга етмаган болалари бўлган оилаларга бир йилга ҳисоблаганда қуйидаги миқдорда:

6 ёшгача бўлган болалар учун — камида 200 сўм;

6 ёшдан 13 ёшгача бўлган болалар учун камида 240 сўм;

13 ёшдан 18 ёшгача бўлган болалар учун — камида 280 сўм компенсация тўловлари жорий этилсин.

Ана шу компенсация тўловини ҳар бир кварталда баббаравар улушда тўлаш тавсия этилсин.

24. Ушбу қарорнинг 21, 22 ва 23-бандларида белгиланган компенсация тўловлари онанинг асосий иш жойидан, она ишламаган тақдирда — отанинг ёки ота-онанинг ўрнини босувчи шахсларнинг асосий иш жойидан тўланади. Бошқа ҳолларда компенсация тўловлари болали ота-оналарнинг ёки уларнинг ўрнини босувчи кишиларнинг истиқомат жойларидаги ижтимоий таъминот идораларида тўланади.

Ушбу қарорнинг 22 ва 23-бандларида белгиланган тўловлар жами даромади оиланинг ҳар бир аъзосига тақсимлаганда энг кам иш ҳақининг тўрт баравар оширилган миқдоридан кўп бўлмаган болали оилаларга тўланади.

Тегишли нафақалар ва компенсация тўловлари бир вақтнинг ўзида тўланади.

Тўловлар:

а) пенсия жамғармаси маблағлари ҳисобидан:

бола бир ярим ёшга етгунча уни боқиш учун бериладиган ойлик нафақалар ва бир ярим ёшдан 6 ёшгача бўлган болаларга бериладиган нафақалар;

муддатли хизматдаги ҳарбий хизматчиларининг болалари учун бериладиган нафақалар;

инсон иммунитети етишмаслиги вируси юққан ёки СПИД билан оғриган 16 ёшгача бўлган болалар учун бериладиган нафақалар;

б) ижтимоий суғурта фонди маблағлари ҳисобидан ҳар бир бола туғилганда бир йўла бериладиган нафақалар;

в) республика бюджетлари маблағлари ҳисобидан:

болалар уйларининг (интернат-мактабларнинг) собиқ тарбияланувчилари бўлган ёлғиз оналарга (тул қолган аёлларга, бева эркакларга);

6 ёшдан 16 ёшгача болалари бўлган ёлғиз оналарга (стипендия олмайдиган 18 ёшгача бўлган ўқувчиларга), 6 ёшгача болалари бўлган оналарга бериладиган ойлик нафақалар;

амалдаги ижтимоий таъминот системаси бўйича нафақалар ва пенсиялар олмайдиган болалар учун ойлик тўловлар;

болаларга аталган моллар анча қимматлашуви муносабати билан балоғатга етмаган болалари бўлган оилаларга тўловлар;

г) маҳаллий бюджетлар маблағлари ҳисобидан —васийликдаги (мутасаддиликдаги) болалар учун ойлик нафақалар тўланади. Бу нафақаларни халқ таълими идоралари тўлайди.

Отаси ёки онаси алиментлар тўлашдан бўйин товлайдиган ёки қонунларда кўзда тутилган ва алиментлар ундиришнинг иложи бўлмаган бошқа ҳолларда болалар учун нафақалар балоғатга етмаган болаларга муваққат нафақалар тўлаш учун ажратилган маблағ ҳисобидан тўланади.

ЎҚУВЧИ ЁШЛАРГА

25. Чакана нархлар оширилишининг ўрнини қоплаш тариқасида олий ўқув юртлари студентларининг, ўрта махсус ва ҳунар-техника билим юртлари ўқувчиларининг стипендиялари миқдори оширилиб, ўқишдаги муваффақияти учун стипендияга қўшиб тўланадиган, СССР Вазирлар Кенгаши, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг 1990 йил 7 апрелдаги 330-сон қарорига биноан белгиланган устамаларнинг мутлақ миқдори сақлаб қолинсин.

Олий ўқув юртларида стипендиялар:

ўзлаштирувчи студентларга ойига 120 сўм миқдорида, шу жумладан фақат яхши, шунингдек фақат яхши ва аъло баҳолари бўлган студентларга 135 сўм, фақат аъло баҳолари бўлган студентларга ойига 150 сўм;

етим болалар ва ота-онасининг қаровисиз қолган болалар бўлмиш студентларга ойига 160 сўм миқдорида, шу жумладан фақат яхши, шунингдек фақат яхши ва аъло баҳолари бўлган шундай студентларга — 185 сўм, фақат аъло баҳолари бўлганларга ойига 210 сўм;

етим болалар ва ота-онасининг қаровисиз қолган болалар давлат таъминотида турган бўлса, бундай студентларга ойига 100 сўм миқдорида, шу жумладан фақат яхши, шунингдек фақат яхши ва аъло баҳолари бўлган студентларга 115 сўм, фақат аъло баҳолари бўлган студентларга —ойига 130 сўм;

СССР ҳукуматининг қарорига биноан тўла давлат таъминотида турувчи студентларга ойига 50 сўм, шу жумладан фақат яхши, шунингдек фақат яхши ва аъло баҳолари бўлган студентларга 65 сўм, фақат аъло баҳолари бўлган студентларга эса ойига 80 сўм;

собиқ ҳарбий хизматчилар бўлиб, байналмилал бурчни бажариш вақтида яраланиш, контузия, майиб бўлиш ёки касалланиш оқибатида ногирон бўлиб қолган студентларга ойига 180 сўм, шу жумладан фақат яхши, шунингдек фақат яхши ва аъло баҳолари бўлган студентларга 195 сўм, фақат аъло баҳолари бўлган студентларга эса — ойига 210 сўм;

тайёрлов бўлимларининг ўқувчиларига ойига 80 сўм стипендия белгилансин.

Олий ўқув юртларида заҳирадаги офицерлар дастури бўйича ҳарбий тайёргарлик кўраётган студентларнинг стипендияларига устамалар СССР Вазирлар Кенгаши, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг 1990 йил 7 апрелдаги 330-сон қарори билан белгиланган стипендияларнинг миқдорларига асосланиб тўланади.

Ўрта махсус ўқув юртларидаги стипендиялар:

ўзлаштирувчи ўқувчиларга ойига 100 сўм миқдорида, шу жумладан фақат яхши, шунингдек фақат яхши ва аъло баҳолари бўлган ўқувчиларга 110 сўм, фақат аъло баҳолари бўлган ўқувчиларга эса ойига 125 сўм миқдорида;

етим болалар ва ота-онасининг қаровисиз қолган болалар бўлган ўқувчиларга ойига 160 сўм, шу жумладан фақат яхши, шунингдек фақат яхши ва аъло баҳолари бўлган ўқувчиларга 185 сўм, фақат аъло баҳолари бўлган ўқувчиларга эса ойига 210 сўм миқдорида;

етим болалар ва ота-онасининг қаровисиз қолган болалар бўлган ҳамда давлат таъминотида турган ўқувчиларга ойига 80 сўм, шу жумладан фақат яхши, шунингдек фақат яхши ва аъло баҳолари бўлган ўқувчиларга 90 сўм, фақат аъло баҳолари бўлган ўқувчиларга эса ойига 105 сўм;

СССР ҳукуматининг қарорига биноан тўла давлат таъминотида турувчи ўқувчиларга ойига 40 сўм, шу жумладан фақат яхши, шунингдек фақат яхши ва аъло баҳолари бўлган ўқувчиларга 50 сўм, фақат аъло баҳолари бўлган ўқувчиларга эса ойига 65 сўм миқдорида;

собиқ ҳарбий хизматчилар бўлиб, интернационал бурчни бажариш пайтида яраланиш, контузия, майиб бўлиш ёки касалланиш оқибатида ногирон бўлиб қолган ўқувчиларга ойига 180 сўм, шу жумладан фақат яхши, шунингдек фақат яхши ва аъло баҳолари бўлган ўқувчиларга 195 сўм, фақат аъло баҳолари бўлган ўқувчиларга эса ойига 210 сўм миқдорида стипендия белгилансин.

Ҳунар-техника ўқув юртларида қуйидаги миқдорда стипендия белгилансин:

таълим муддати 10 ойдан ортиқ бўлмаган барча турдаги ҳунар-техника ўқув юртлари (қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришида, сув хўжалиги қурилишида ва ўрмон хўжалигида ишлаш учун ишчилар тайёрлайдиган билим юртларидан ташқари) ўзлаштирувчи ўқувчиларига ойига 80 сўм миқдорида, шу жумладан фақат яхши, шунингдек яхши ва аъло баҳолар билан ўқувчиларга — 90 сўм, фақат аъло баҳога ўқийдиганларга ойига 100 сўм, ҳалок бўлган ҳарбий хизматчилар ҳамда Улуғ Ватан уруши биринчи ва иккинчи гуруҳ инвалидларига тенглаштирилган шахсларнинг ҳунар-техника билим юртларида ўқиётган фарзандларига ойига 90 сўм, шу жумладан фақат яхши, шунингдек яхши ва аъло баҳоларга ўқийдиганларга — 100 сўм, фақат аъло баҳоларга ўқийдиганларга — ойига 110 сўм;

таълим муддати 10 ойдан кам бўлмаган, СССР ҳукуматининг қарорига биноан кийим-кечак ва озиқ-овқат билан таъминланадиган барча турдаги ҳунар-техника ўқув юртларининг яхши ўзлаштирувчи ўқувчиларига ойига 40 сўм, шу жумладан фақат яхши, яхши ва аъло баҳога ўқийдиганларга — ойига 45 сўм, фақат аъло баҳолар билан ўқийдиганларга — ойига 50 сўм миқдорида; оилали ўқувчиларга ойига 50 сўм, шу жумладан фақат яхши, яхши ва аъло баҳолар билан ўқувчиларга — 55 сўм, фақат аъло баҳога ўқийдиганларга —ойига 60 сўм миқдорида; ҳалок бўлган ҳарбий хизматчилар ҳамда Улуғ Ватан уруши биринчи ва иккинчи гуруҳ ногиронларига тенглаштирилган шахсларнинг шундай ўқув юртларида таълим олаётган фарзандларига ойига 60 сўм, шу жумладан фақат яхши, шунингдек яхши ва аъло баҳолар билан ўқийдиганларга — 70 сўм, фақат аъло баҳолар билан ўқийдиганларга — ойига 85 сўм миқдорида; оилали ўқувчиларга ойига 70 сўм, шу жумладан фақат яхши, шунингдек яхши ва аъло баҳолар билан ўқийдиганларга — 80 сўм, фақат аъло баҳолар билан ўқийдиганларга — ойига 95 сўм миқдорида;

Шундай ҳунар-техника билим юртларида таълим олаётган, давлат таъминотида турган етим болаларга ҳамда ота-онаси васийлигидан маҳрум бўлган болаларга ойига 80 сўм, шу жумладан фақат яхши, шунингдек яхши ва аъло баҳолар билан ўқийдиганларга — 90 сўм, фақат аъло баҳолар билан ўқийдиганларга —ойига 105 сўм миқдорида.

Аспирантлар ва докторантларнинг амалдаги стипендиялари миқдори ойига 60 сўм оширилсин.

Белгилаб қўйилсинки, стипендия оладиган, бундай стипендиянинг янги миқдори ушбу қонунда белгилаб қўйилмаган ўқувчи ёшларга: олий ўқув юртларида — ойига 60 сўм ва ўрта махсус ўқув юртларида ойига 55 сўм компенсация тўланади. СССР Давлат халқ таълими комитети, СССР Давлат меҳнат ва ижтимоий масалалар комитети СССР Молия вазирлиги билан биргаликда ёшларнинг мазкур тоифалари учун стипендиялар миқдори тўғрисидаги таклифларни тайёрлаб, бир ой муддат ичида СССР Вазирлар Кабинетига тақдим этсинлар.

ПЕНСИОНЕРЛАРГА, НОГИРОНЛАРГА ВА БОҚУВЧИСИДАН МАҲРУМ БЎЛГАН ОИЛАЛАРНИНГ АЪЗОЛАРИГА

26. Нарх оширилиши муносабати билан компенсация учун ишламаётган пенсионерларнинг қарилик пенсиялари, меҳнат пенсиялари, ногиронлик, боқувчисидан маҳрум бўлганлик учун пенсиялар, ижтимоий пенсиялар, шунингдек ишламайдиган пенсионерлар қарамоғидаги бошқа асосларга кўра компенсация олмайдиган меҳнатга лаёқатсиз оила аъзоларига қўшимчалар ойига 65 сўм кўпайтирилсин.

Етим болаларга боқувчисини йўқотганлик учун пенсияси ҳозирги оширилишига нисбатан икки баравар миқдорда кўпайтирилсин.

Ишлаётган пенсионерларга чакана нархларнинг ислоҳ қилиниши муносабати билан компенсация тўловлари ишчилар ва хизматчилар учун белгиланган тартибда берилсин.

СССР Давлат меҳнат ва ижтимоий масалалар комитети, СССР Молия вазирлиги, СССР Касаба уюшмалари умумий конфедерацияси, СССР Мудофаа вазирлиги, СССР Ички ишлар вазирлиги ва СССР Давлат хавфсизлиги комитети билан биргаликда бир ой муддатда чакана нархлар оширилиши компенсацияси билан боғлиқ равишда тариф ставкалари ва мансаб маошлари кўпайтирилиши муносабати билан пенсия тайинлаш учун ўртача ойлик иш ҳақини ҳисоблаб чиқиш тартиби тўғрисидаги, шунингдек, компенсация тўловлари жорий этилишини ҳисобга олиб, ички ишлар органлари ҳарбий хизматчилари ҳамда оддий ходимлари ва бошлиқлар пенсияларини ҳисоблаб чиқариш тартиби тўғрисидаги таклифларни тақдим этсинлар.

27. Республикаларнинг ҳукуматлари ижтимоий-маиший имтиёзларни, шу жумладан, амалдаги қонунларда ногиронлар учун бериладиган транспорт воситаларини харид қилиш, шунингдек, уруш ва меҳнат ветеранлари, фуқароларнинг бошқа тоифалари транспорт воситаларини капитал ремонт қилиш билан боғлиқ харажатларни республика бюджетлари ҳисобидан қоплаш миқдори ва тартиби тўғрисидаги, шунингдек, шу билан боғлиқ равишда тегишли идоралар (ташкилотлар) ўртасида ҳисоб-китоб қилиш тартиби ҳақидаги масалани кўриб чиқсин.

28. Республикаларнинг ҳукуматларига ва халқ депутатлари маҳаллий Советларига аҳолининг камбағал табақаларига пул компенсацияларини ижтимоий ёрдамнинг хилма-хил турлари (шу жумладан, натура ҳолида бериладиган ёрдам) билан — солиқ солишда имтиёз бериш, коммунал ва ижтимоий хизмат кўрсатиш, ер участкалари, имтиёзли шартлар билан боғ уйлари ажратиб бериш, айниқса, болалар, ногиронлар, пенсионерлар ҳамда аҳолининг ижтимоий жиҳатдан ҳимоя қилинмаган бошқа табақаларига ҳақини қисман тўлаш шарти билан ёки текинга озиқ-овқат ва саноат моллари энг зарур турлари тўпламларини топшириш, ногиронлар ва қариялар учун дори-дармон ҳамда махсус мақсадга мўлжалланган моллар учун счётларни тўлаш, текин овқатланиш, шаҳар ва шаҳар атрофи транспортидан фойдаланиш учун имтиёз бериш ҳамда ёрдамнинг бошқа турлари билан тўлдириш тавсия этилсин.

ҲАРБИЙ ХИЗМАТЧИЛАРГА

29. 1991 йил 1 майдан бошлаб мансаб окладлари миқдори қуйидагича оширилсин:

Офицерлар таркибига кирувчи шахсларга, прапоршчикларга, мичманларга, муддатдан ортиқ хизмат қилувчи ҳарбий хизматчиларга ойига 80 сўм, ички ишлар органлари оддий ходимлари ва бошлиқлар таркибига — ойига 60 сўм;

муддатли хизматдаги ҳарбий хизматчиларга, суворовчиларга, нахимовчиларга, мусиқий тарбияланувчиларга ва курсантларга — ойига 20 сўм, офицерлик унвони бўлмаган ҳарбий ўқув юртлари тингловчиларига — ойига 60 сўм.

Ана шу шахсларга давлат чакана нархлари оширилган кундан 1991 йил 1 майгача бўлган давр учун мазкур миқдордан келиб чиқиб компенсация тўланади.

Ҳарбий қурувчиларга ойига 60 сўм миқдорида компенсация тўланади.

30. Ҳарбий хизматчиларни, ҳарбий қурувчиларни, СССР Мудофаа вазирлиги, СССР Ички ишлар вазирлиги, СССР Давлат хавфсизлиги комитети, темир йўл қўшинлари ҳамда СССР Алоқа вазирлиги ҳарбий-тиклаш бошқармаси оддий аскарлар ва бошлиқлар таркиби, ишчилари ва хизматчилари, пенсионерларини озиқ-овқат, кийим-кечак билан таъминлаш, тиббий хизмат кўрсатиш ҳамда моддий таъминотнинг бошқа турлари учун харажатлар моддий таъминотнинг ана шу турлари учун нарх-наво ортиши ўрнини қоплайдиган миқдорда кўпайтирилсин.

31. Ички ишлар органлари ҳарбий хизматчилари, оддий аскарлар ва бошлиқларининг ишламайдиган хотинларига уларни ишга жойлаштириш имконияти бўлмаган олис гарнизонларда ва жойларда компенсация тўловлари жорий этилсин (ҳарбий қисмларни, муассасаларни, ички ишлар органларини олис жойларда ва гарнизонларда жойлаштирилган қисмлар қаторига киритиш тартиби ва шартини СССР Мудофаа вазирлиги , СССР Ички ишлар вазирлиги ва СССР Давлат хавфсизлиги комитети СССР Давлат меҳнат ва ижтимоий масалалар комитети ҳамда СССР Молия вазирлиги билан келишиб белгилаб беради).

Мазкур шахсларнинг ишламайдиган хотинларига компенсация тўловлари эрининг хизмат жойида ойига 60 сўм миқдорида берилади.

32. СССР Мудофаа вазирлиги, СССР Ички ишлар вазирлиги ва СССР Давлат хавфсизлиги комитетининг ишчилари ва хизматчиларига, ишламайдиган ва ишламайдиган пенсионерларига компенсация халқ хўжалиги ходимлари ва пенсионерлар учун белгилаб қўйилган тартиб ва шартлар асосида тўланади.

33. СССР Мудофаа вазирлиги, СССР Ички ишлар вазирлиги, СССР Давлат хавфсизлиги комитети, темир йўл қўшинлари ва СССР Алоқа вазирлиги ҳарбий-тиклаш бошқармаси ҳарбий хизматчиларига, шунингдек, оддий аскарлари ва бошлиқларига пул тўловларини, ишчилар ва хизматчиларига иш ҳақини, ишламайдиган пенсионерларга пенсияларни ошириш, ана шу тоифадаги кишиларнинг оилаларига ва болаларига нафақалар тўлаш ушбу қарорда белгилаб қўйилган тартибда ва миқдорда, ушбу масалалар юзасидан республика ҳукумат идоралари қабул қилган қарорлар ҳисобга олинган ҳолда амалга оширилади.

СССР Молия вазирлиги мазкур вазирликлар ва комитет билан биргаликда компенсация тўлаш тартиби, миқдори ва шартларини белгилаб берсин.

ИШСИЗЛАРГА

34. Иш ва иш ҳақидан (меҳнат даромадидан) маҳрум бўлган, давлат иш билан таъминлаш шўъбасида иш излаётган шахс сифатида рўйхатга олинган фуқароларга касб тайёргарлиги, малакани ошириш ва қайта тайёргарликдан ўтиш даврида стипендияга қўшимча равишда бутун таълим даврида ойига 50 сўм миқдорида компенсация тўланади.

Белгиланган тартибда ишсиз деб тан олинган фуқароларга ишсизлик нафақасига қўшимча равишда ойига 50 сўм миқдорида компенсация тўланади. Компенсацияни қанча даврганча тўлаш ССР Иттифоқи ва республикаларнинг аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисидаги қонун асослари 28-моддасига мувофиқ белгиланади.

БОШҚА КОМПЕНСАЦИЯ ТАДБИРЛАРИ

35. СССР Молия вазирлиги СССР Давлат халқ таълими комитети, СССР Соғлиқни сақлаш вазирлиги, СССР Маданият вазирлиги, бошқа манфаатдор СССР вазирликлари ва идоралари билан биргаликда касалхоналарда, поликлиникаларда, мактабгача болалар муассасаларида, мактабларда, болалар уйлари ва интернатларида, қариялар ва ногиронларнинг интернат уйларида ҳамда Иттифоқ ихтиёридаги бошқа ташкилотларда овқатланиш, юмшоқ жиҳозлар, маданий-маиший ва хўжалик буюмлари ҳамда ўқув мақсадлари учун буюмларни харид қилишга харажатларнинг пул меъёрини оширсинлар. Бундай муассаса ва ташкилотлар оширилган меъёрга мувофиқ ўз вақтида пул билан таъминлансин.

Республикаларнинг ҳукуматларига республика бюджетидан ва маҳаллий бюджетлардан пул билан таъминланадиган мазкур муассасалар учун худди шундай ишларни ўз вақтида амалга оширишни таъминлаш тавсия этилсин.

36. Аҳлоқ тузатиш меҳнат муассасаларида сақланаётган шахсларнинг тариф ставкалари ва мансаб окладлари камида ойига 60 сўм миқдорида оширилсин. Мазкур шахсларнинг иш ҳақининг ана шу оширилган қисмидан ана шу муассасаларни сақлаб туриш харажатларини қисман қоплаш учун маблағ ушлаб қолинмайди.

37. Нарх-наво оширилиши муносабати билан аҳолига компенсация тўловлари, фуқароларнинг даромадларига ва корхоналарнинг фойдаларидан солиқ ундириш системаси билан қайтариб олинмаслиги лозимлигига асосланиб, СССР Молия вазирлиги ва СССР Адлия вазирлиги «СССР фуқароларидан, хорижий фуқаролардан ва фуқаролиги бўлмаган шахслардан даромад солиғи олиш тўғрисида»ги СССР Қонунига, «Корхоналар, бирлашмалар ва ташкилотлардан олинадиган солиқлар тўғрисида»ги СССР Қонунига ҳамда СССР Олий Кенгашининг «Корхоналар, бирлашмалар ва ташкилотлардан олинадиган солиқлар тўғрисида»ги СССР Қонунини кучга киритиш тартиби ҳақида»ги қарорига ўзгартишлар киритиш тўғрисидаги таклифларни тайёрласинлар, бунда фуқароларнинг солиқ солинмайдиган ойлик иш ҳақи ва бошқа даромадлари миқдорини 160 сўмга қадар ошириш ҳамда фуқароларнинг ойига 160 сўмдан ошадиган даромадларидан даромад солиғи миқдорини камайтиришни, айни пайтда олдин белгиланган 700 сўм ўрнига ойига 1000 сўмдан ортиқ даромаддан 13 фоизга қўшимча солиқларнинг кўпайиб борадиган жадвали қўлланиш кўзда тутилсин;

Корхоналар ва ташкилотлар фойдасидан олинадиган солиқ миқдори 35 фоизгача камайтирилсин, шунингдек, корхоналар асосий фаолиятида банд бўлган ходимлар ўртача ойлик иш ҳақининг маҳсулот таннархига киритиладиган даражасининг чегараси 480 сўмгача оширилсин.

38. СССР Давлат банки ва СССР Жамғарма банки СССР Вазирлар Кабинети билан келишган ҳолда 1991 йил 1 мартдаги ҳолатга биноан омонатлар ва сертификатлар эгаларига, СССР Молия вазирлиги томонидан эса аҳолига сотилган давлат қимматли қоғозларининг эгаларига бир вақтнинг ўзида нарх-навонинг оширилиши муносабати билан кўрадиган зарарларни қоплаш чораларини амалга ошириш маълумот учун қабул қилинсин.

39. Белгилаб қўйилсинки, табиий иқлими оғир шароитда яшаганлик учун иш ҳақига коэффициентлар жорий этилган районларда ва жойларда ушбу қарорга мувофиқ равишда янгидан белгиланган ва оширилган стипендиялар ҳамда нафақалар, шунингдек, пенсияларга, нафақаларга ва стипендияларга компенсациялар ишлаб чиқариш тармоқлари ходимлари учун жорий этилган коэффициентлар ҳисобга олинган ҳолда тўланади.

40. Чакана нархларнинг оширилишидан олинган маблағларнинг бир қисми ҳисобига ёрдам бериш ягона Иттифоқ-республика молия фонди барпо этилсин, барча республикалардаги аҳолига, шунингдек, ҳарбий хизматчиларга ҳамда Иттифоқ бюджети маблағи ҳисобидан даромад оладиган бошқа фуқароларга белгилаб қўйилган энг кам миқдордаги компенсация тўловларини таъминлаш учун шу фонд маблағидан фойдаланилади.

СССР Молия вазирлиги, СССР Давлат план комитети, СССР Давлат нарх комитети ва СССР Давлат меҳнат ва ижтимоий масалалар комитети республикаларнинг ҳукуматлари билан биргаликда икки ҳафта ичида мазкур фонд миқдори ҳамда уни барпо этиш ва маблағларни сарфлаш тартиби тўғрисидаги таклифларни киритсин.

Барча турдаги пенсиялар ва нафақалар миқдори ошганлиги муносабати билан СССР Молия вазирлиги СССР Пенсия фонди ва СССР Ижтимоий суғурта фонди билан биргаликда ана шу фондларга компенсация тўлови учун қўшимча харажатларни қоплаш тартибини белгиласин.

41. Республикаларнинг ҳукуматлари, халқ депутатлари маҳаллий Советларининг ижроия комитетлари ССР Иттифоқи билан республикалар ўртасидаги чакана нархларни ислоҳ қилиш ва аҳолини ижтимоий жиҳатдан ҳимоялаш масалаларига доир битимга амал қилиб, янги давлат чакана нархлари, бошқариладиган ва эркин нархлар жорий этилиши ҳамда аҳолига компенсация тўловларига доир тадбирларнинг амалга оширилиши муносабати билан товарларни қайтадан баҳолаш чоғида чакана нархларни ислоҳ қилиш ва аҳолини ижтимоий ҳимоялаш қоидалари ҳаётга қатъий тадбиқ этилишини таъминласинлар, эҳтимол тутилган суиистеъмолларнинг олдини ўз вақтида олсинлар.

42. Чакана нархлар ислоҳ қилиниши муносабати билан бевосита компенсацияни ҳисоблаб чиқадиган ва маблағни тўлайдиган банк муассасалари, алоқа корхоналари, ижтимоий таъминот идоралари ходимларининг белгиланган иш вақтига қўшимча ва байрам кунларидаги ишлари учун меҳнат ҳақи тўлаш ССР Иттифоқи ва иттифоқдош - республикаларнинг меҳнат қонунлари асослари 40- ва 41-моддаларига мувофиқ амалга оширилсин.

43. СССР Давлат нарх комитети ва СССР Давлат меҳнат ва ижтимоий масалалар комитети СССР Адлия вазирлиги ҳамда СССР Молия вазирлиги билан биргаликда бир ой муддатда СССР ҳукумати қарорларини ушбу қарорга мувофиқлаштиришга доир таклифларни СССР Вазирлар Кабинетига тақдим этсин.

44. СССР Давлат ҳисоб комитети ва СССР Молия вазирлиги СССР Давлат нарх комитети билан биргаликда СССР Давлат банкини, СССР Пенсия фондини ва СССР Ижтимоий суғурта фондини жалб этган ҳолда чакана нархларнинг оширилиши муносабати билан молларни сотиш ва хизмат кўрсатишдан тушадиган пулнинг ўзгариши, бюджет даромадлари ва аҳолига компенсация тўловлари ўзгаришига доир маълумотларни ҳисобга олиш системасини ишлаб чиқсин ва бундай маълумотларни тўплашни ташкил этсин.

Корхоналар ва муассасалар зиммасига улар қайси идорага бўйсунишидан ва мулкчиликнинг шаклидан қатъи назар, статистика ҳисоботларининг белгиланган шаклларига қўшимча равишда зарур маълумотларни тақдим этиш вазифаси юклансин.

45. СССР Давлат нарх комитети, СССР Давлат меҳнат ва ижтимоий масалалар комитети, СССР Давлат режа комитети ва СССР молия вазирлиги зарур ҳолларда ушбу қарорни қўлланиш тартибини тушунтириб берсин.

46. СССР Молия вазирлиги 1991 йилги Иттифоқ бюджети даромадлари ва харажатларини аниқлашга доир таклифларни ҳамда «1991 йилги Иттифоқ бюджети тўғрисида»ги СССР Қонунига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритишга доир таклифларни тақдим этсин.

Бош вазир **В. ПАВЛОВ.**

Ишлар бошқарувчиси **Н. ШКАБАРДНЯ.**

Ушбу қарорга 1-, 2- ва 3-иловалар «Чакана нархларни ислоҳ қилиш ва аҳолини ижтимоий ҳимоялаш масалалари юзасидан ССР Иттифоқи билан республикалар ўртасидаги битим»га берилган 1-, 2- ва 3-иловалар билан бир хилдир. Битимга иловалар «Халқ сўзи»нинг 26 март сонида эълон қилинган.

Ғаффор ҲОТАМ

«ШОИРЛАР АЛДАЙДИ БИЗНИ, ЖОНГИНАМ...»

I

Олтмиш тўққизинчи йилнинг кеч кузи эди. Куни кеча даладан чиқиб, дарёлару тоғлардан ошиб пойтахтга келган, киприкларидан ҳали чанг аримаган, ўқишга кириш хаёлида ҳаяжонга айланган биз — ёшлар серташвиш кунларнинг бирида дорилфунуннинг китоб дўконидан мўъжазгина бир шеърий мажмуани талашиб-тортишиб харид қилдик, унинг жилди тўлиб кетган дардчил фалакни эслатар, йиғламоқдан бери бўлиб турган фалакнинг бағри ўйиб ёзилган эдики: «Онажон...».

Абдулла Орипов... куни кеча қишлоққа кўчиб калган, ҳали бизга қўшилиб, юрак ёзиб улгурмаган, хаёл ётсираб бир четда турган бола каби сирли, ноаён хилқат эди у ҳали. Ва ўша мажмуанинг қуюқ, серсиёҳ ёзувлари шоир руҳиятини англатиб, унинг дунёсини идрок этишда рамзий хизматини ўтагандак бўлиб туюларди менга.

Аввал бошда руҳиятнинг қақраб ётган далатузига баҳорий насимдай уйғоқлик бағишлаб кириб келган, табиийки, «Онажон», сўнг «Биринчи муҳаббатим», «Уйларим». «Баҳор»...

Дорилфунуннинг метин бўсағасига бориб бошимиз урилганида неча бор шоир сатрлари хаёлдан кечган, сўнг тағин «Бахтли ҳаёт қаршингизда турибди муштоқ» дея сиёсий таълим шууримизга сингдирилди, наинки биз, наинки шу авлод, наинки шу халқ, балки уч юз миллион киши тўфондайин кўз очирмоачи шу сиёсатга банди эди, қачонки бу сиёсат нима, ҳаёт нима — шуни идрок эта бошлагач, оддий бир бошпана олиш учун тўрт болани етаклаб, шу сиёсатга қароллик қилиб, ўн баш йил тентирагач, жўнгина ҳақиқатнинг юзага чиқишига ҳеч қачон кўзинг етмагач, кимга бориб дод деяргингни билмаган маҳал, табиийки, неча йиллардан буён чарх уриб яшаб келаётган ўша сатрлар тағин оқ чеккан турналар карвони янглиғ бир-бир тизилиб хаёлингдан ўта бошлайди:

О, Абдулла, кўзларингни очиб қарагин,
Ким айтади бу дунёда йўқдир деб бўрон...

Ва унинг келиб кўзга тиқилгувчи аччиқ туманлари ортида яшириниб ётган инжа маъноларни, тилсимланган ҳақиқатларни энди-энди англаётгандай ҳис этасан.

II

Етмишинчи йиллар. Ҳазрати Алишер Навоий номи билан аталадиган кўчанинг сўл тарафида — баҳайбат денгиздаги жимитгина икки қайиқдай бўлиб Абдулла Орипов ўзидек озғин, бироқ шунга яраша худо бўй берган ноача ёзувчи билан йўловчи автоларга кўз тикиб турар эди. То шу кунга қадар Ориповни учратмаган, умуман тирик шоирни кўрмаган, хусусан уни шундай тассаввур қилмаган эдим: жуссаси кичик, ҳам бунинг устига озғин, зоҳиран, соддадан кўра соддароқ.

Йўлакда тўда-тўда ёшлар зимдан шоирни кузатишар, шивир-шивир қилишар, «шу-шу Абдулла Орипов! Қани? Ана!» — дейишар, шаҳодат бармоқларини олдинга чўзиб бир-бирларига шоирни кўрсатишар, бироқ унинг на улар, на бошқа бирор аа на бу ёруғ олам билан зиғирча иши йўқ, ўз куйича йўл қарар, матлаби — шериги йўловчи машина тутса-ю у жўнаб кетса.

Бир зум ўз қолимга қўй сен ҳам, болам,
Айн-ку менга ҳам инсон матлаби,
Бир зум одам каби яшайин мен ҳам,
Мен ҳам яшай бир зум бир одам каби...

Ҳорғин кайфият ташуачи бу сатрлар орадан бир неча йиллар ўтгач юзага келган; тирик шоирни, хусусан Абдулла Ориповни илк дафъа ўз кўзим билан кўрган ўша куни эса у ўз йўлига кетгач, ҳаяжондан энтикканча ётоқхонага бориб, унинг худо бўй берган йўлдоши — ҳали ёш ҳисоблаимиш носирнинг ойбитикда ёритилган асарларини топиб, Абдулла Ориповга нечоғлик эътиқодим баланд бўлса, шундай бир эҳтиром билан уни ҳам мутолаа қилишга тутинганман, шу пайтга довур ўзим пайқамаган аа лекин бу ёруғ оламда мавжуд бўлган, Абдулла Орипов билан ёнма-ён юришга ҳақли бир носир борлигидан юрагим тошиб кетган эди, албатта. Табиийки, мана шу кайфият таъсирида ёш адиб асарининг бир неча саҳифасини ўқиб ўтдим, ҳатто шундай толе насиб этган носир сувратига бир неча бор ҳавас билан қараб ҳам олдим, сўнг... у мен истаган сиру синоат, мен хаёл қилган илоҳий нафасдан холи эканлигини кўриб кўнглим совий бошлади, қиссани қайта бошдан ўқишга тутиндим, кўрдимки чиндан ҳам у жўн бир нарса, жуда афтода, шунга ишонч ҳосил қилгач, дилимда оғринишми, ранжми, бино бўлди, шундай азим шоирнинг ҳеч қачон адабиёт тарихига мансуб бўла олмайдиган кимса билан ҳам етаклашиб юриши мумкинлиги мени тонг қолдирди.

III

Етмиш тўққизинчи йил оёқлаган кезлар. Шоирнинг янги мажмуаси ёруғлик кўрди ва, табиийки, бориб дўсту укалар шуни нишонладик. Ўтириш сўнгида ёлғиз қолингач — Орипов турли «изм»ларда айбланиб турган кезлар эди — табиийки, дастурхонга фотиҳа ўқилишидан аввал шундоқ токчада терилиб турган китобга ишора қилиб, дастхат ёзиб беришларини сўрадим. Абдулла ака ўзига ярашган бир ўжарлик билан жилдидаи тутиб китобчани олмоқчи бўлди, жилд пахтадай идрабгина турар эди, табиийки, у сидирилиб келди. Шоир уни олиб бир четга ташлади-да, наригисига қўл юборди. Кейин яна... яна... Шунда мен унинг қароғига қалқиб чиққан ёшни кўрдимки, киприкларига илиниб турган шу ёш токи сизиб чиққунга қадар унинг руҳини синдириб, қаддини букиб ташлагандай бўлиб туюлди менга.

— Ука, — деди у чўзиб, — гўримга ғишт қилармидим буни?!

У ички бир армон билан ўксиниб сўзлар, маълум бўлишича, ўша мўъжаз мажмуада юздан зиёд имловий хато ҳам ўтиб кетган экан.

Кейинчалик бугун биз тўтиё билиб мутолаа қилаётган дилбар шеърлари мафкуравий нуқтаи назардан олиб қараганда хато ташиётганликда айбланди. Кейинчалик...

Қолмаса дунёда мендан хотирот,
Наинки хотирот, оддий, жўн бир от,
Бўлса на бир қаамим, на хеш, на авлод,
Кўнглинг тўладими, ўшанда, айт-чи!

Кейинчалик...

Яқинда ёш бир мунаққид айтдики, Абдулла Орипов шеъриятида ҳасад-хусумат хусусида гоҳо маломат билан, гоҳо ўкинч, гоҳо ранж билан ёзилган асарлар шу қадар кўпки, шунинг ўзи аломат бир илмий тадқиқотга омил бўлиши мумкин.

Рост, бу ва айни шу мавзуни хийла батафсил ёзишим мумкин ҳам эди. Бироқ... гарчи шоирнинг шу йўсиндаги аксар асарлари замирида ётган аччиқ тафсилотларни бирмунча билсам-да, нечундир шу тобда шуни оқ қоғоз юзига тўкиб солишга ҳеч бир рағбат сезмаётирман. Эҳтимол, шарқона тамойиллар сабабдир бунга, эҳтимол, мавриди эмасди ҳали?! Ҳар ҳолда:

Оламга ўт қўйса айтар сўзинг,
Йиқсанг дунёларни — тиккан чоқ кўзинг,
Сўнгра мўри каби қолсанг бир ўзинг,
Кўнглинг тўладими, ўшанда, айт-чи!!

IV

Саксон тўққизинчи йил, авжи саратон. Беш кун йўл юриб, ниҳоят Карлова-Варига етиб бордик. Кўнолға шу қадар сўлим, шу қадар хушҳаво жозиба ва кўҳлик эдики, иссиқ ўлкалардан терга ботиб келган биз — ғариблар тоабад шундай жойларда қолиб кетсанг, деб ўйлардик.

Орадан уч-тўрт кун ўтгач, бунинг барчаси шу қадар кўнгилга тегдики, азбаройи зиқлик дастидан нима қиларимизни билмай қолдик, на китоб ўқиш, на сайру саёҳат юракка сиғади, ўзингни ҳали сувга, ҳали ўтга урасан, тентирайсан, қандай қилиб бўлмасин, кунни кеч қилиш, сафар муҳлатини ўташ керак. Шундай кунларнинг бирида арчазор оралаб кетган ёлғизоёқ сўқмоқ узра тоғнинг тепаси сари юксалар эканман, беихтиёр қачонлардир хотирамга сингиб кетган сатрлар ўрнидан жилган қор кўчкиси янглиғ хаёлимни чулғаб олди:

Парчагина булут,
Чексиз осмон,
Адир ортидаги ёлғизоёқ йўл,
Барча ташвишларни унутиб, шодон
Қайтгим келаётир ёнингга буткул...

Ва шунда бундан жуда йироқда қолган — ҳамиша бири кам ва тугал рўзғорни, қуриб кетиши муқаррар бўлган денгизни, уни асраб қоламиз деган, она тилимизга давлат мақоми берамиз, деган четдан — тараққий топган, ҳам бунинг устига ўз майлича яшаётган мустақил мамлакатдан туриб кузатганда жуда бефойда, мантиқдан холидай туюлгувчи жангу жадални, тирикчилик ғамидаги саъй-ҳаракатини халқчил даъволар билан ўраб-чирмаётган, ундан ҳам аянчлиси, шунга маҳкум бўлган дўсту ёронни, гарчи қафасда қолган, устига-устак патлари юлинган қушдайин ночор бўлиб туюлса-да, ўша заминни, қисмати, жон ришталари шунга туташ мушфиқ-муштипар қариндош-уруғни, муте ва маҳкум ўша ҳаётни дил-дилдан соғиниб жоним ўртанаётганини ҳис этдим. Забун шу ҳаёт бамисоли юҳодек ўз бағрига тортар эди.

Эҳтимол, инсоний ожизликдир бу?

Мана, нечун биз хорижий элларда қолиб кетмаймиз!

Шу оқшом сафардошлар гулхан ёқиб, шунинг атрофида кўнгилхушлик қилишни муносиб кўришди. Ахийри, қўшиқ ўйин-кулги ҳам кўнгилга тегди. Ана шунда мактаб ўқувчилари бирин-кетин ўртага чиқиб шеър ўқий бошлашди:

Бир неъмат бўлсин деб қалбда қонни ҳам
Анор донасига жойлаган жонсан.
Агар қўйиб берса, кенг жаҳонни ҳам
Зарга ўрагуачи Ўзбекистонсан...

Ва биз шунча дарё, тоғлардан ошиб, қай бир юртдан келганлигимизни айтсак агар-да, ҳатто бу номни умри мобайнида бирон-бир марта эшитмаган кишилар салтанатида туриб, уларга бир қадар экзотик туюлгувчи рақсларимизни ҳеч хижолатсиз намойиш этар, уларга тамомила тушуниксиз бўлган бир тилда аждодлардан меросшарафсиз шу юртни шарафлар, шундан шукуҳ ва қувват олар эдик; беғубор фалакка, ёмғир ювган майсалару ўрмон қаърига сингиб бораётган шеърий сатрлараро соғинч ва муҳаббат таважжуҳ қиларди.

Юксак арғувоннинг учидан қилол
Пахмоқ булутларни этади нимта.
Қайдадир шоира куйлайди беҳол:
— Кўнглим ҳам бу кеча ойдай яримта...
Увада камзулда биллур тугмадай
Булутлар ортидан боқади юлдуз.
Қайдадир юртини эслаб инграр най,
Қайдадир кўзигул ёради илдиз...

Тобора мавқе топаётган, гарчи ҳозирча биз банд этиб турган бўлсак-да, ҳаётнинг эътибордаги манзили сари кун сайин, соат сайин яқинлашиб келаётган навқирон наслга ички бир ҳадик, ҳаяжон билан тикилиб туриб, бу авлоднинг бунчалар шеърпараст эканлигига рости ҳайронлар қолдим. Ва яна шунга ҳайрон қолдимки, биз жуда кеч англаган, кеч муҳаббат қўйган она-Ватанга эътиқод шу шеърият бошлаб келган уйғоқ ва безовта туйғулар туфайли уларнинг дилида жуда эрта қанот ёзмиш. Шу шеърият кимнинг закосидан бино бўлган, ким у шоир, нажот қалъаси ҳақида шеър ёзганми аа ёки йўқми, асли қаердан, қай тарзда кун кечиради, дўсту ёри ким, кимлар душмани, қай бир гуруҳга мансуб?.. бу билан уларнинг сира иши йўқ, хаёлларига ҳам келмас эди бу ўйлар. Турли вилоятлардан келган, турлича кийинган аа ўрта мактабнинг турли синфларида таълим олаётган бу авлод — турналар каби тизилиб, турналар каби нолон — соғинчу ҳасратини, армону муҳаббатини кўнглига ёққан, юрагининг туб-тубларидан жой берган шоирининг тили билан, унинг шеърлари воситасида изҳор этишар, бу эса Абдулла Орипов шеъриятининг на ҳасад, на хусумат дахл қила олмайдиган абадиятга дахлдор умрининг бошланғич фаслидек бўлиб туюлар эди менга...

Абдулла ОРИПОВ—50 ёшда

Шоир ўғли Илҳомжон билан. Содиқ МАҲКАМ олган сурат.

Абдулла ОРИПОВ,
Ўзбекистон халқ шоири.

ТЕМУР БОҒЛАРИ

САМАРҚАНДЛИК УКАМ КАМОЛГА

Мағлуб бўласанми ва ёки ғолиб,
Тарихда қолгайдур оёғинг гарди.
Темурнинг боғлари гоҳо йўқолиб,
Гоҳида: — Мен бор,—деб зимдан кўкарди,
Гарчи Самарқанд бу — аслида меъмор,
Ижоди — Регистон, Шоҳизиндадир.
Лекин, аҳли жаҳон, айланг эътибор:
Темур боғлари ҳам ахир, бундадир!
У — Боғи беҳиштдир, у — Боғи шамол,
Барчаси ёдгордир улуғ мозийдан.

Авлодлар бетини кўкартди ниҳол,
Боғларни асради ёвдан, осийдан.
Темурсиз яшайди, мана, Самарқанд,
Лекин чаманларн яшноқдир ҳануз.
Қорасув бўйлари жаннатга монанд,
Порлаб турган чашма — минг кўзли юлдуз...
Темурдек зотнинг-ку қайтмоғи гумон,
Лекин не бўлса ҳам изи қолибди.
Қанча чеврилмасин қўҳна бу замон,
Боғи, иморати, сўзи қолибди.

ИФТИХОР

Ҳамма замонларда ҳам шеърият даврга муносабат сифатида туғилиб келган. Лекин мана шу муносабат ва унинг ифодаланиши ҳар хил бўлган. Виров ҳаётта енгил-елпироқ, ҳавойироқ, ҳукмрон кучнинг авзойига қараб назар ташлаган, шеър ҳам шунга яраша бўлган, бошқаси оламга, муҳитга теран, чуқур мушоҳада кўзи билан разм солган, сўзи ҳам зукко, холисанилло, эҳтиросли бўлган. Шеър парвозини қушнинг парвозига қиёслаш мумкин. Бир хил шеърий парвозлар машқу ишқибозликдан нарига ўтмайди, ўтганда ҳам «парвози» суст бўлиб, бировнинг эътиборига тушади ё тушмайди, ўз-ўзича учиб юраверади. Борлиги ё йўқлиги унча ҳам билинавермайди ва ахир бир кун учишдан тўхтайди. Яна бир хил шеърий парвозлар бўладики, унга йиллар, асрлар, минтақаю чегаралар монелик қила олмайди. Лекин адабиётлар тарихини ҳарчанд титмайлик, бундайлар бармоқ билан санарли даражада оз бўлганлигини кўрамиз. Уларнинг парвози ҳам бошқача, ўзига хос, мисли кўрилмаган бўлади. Халқ, Ватан олам бор экан, бу парвоз давом этаверади. Чунки бу шеърият юрт ташвишларини, давр руҳини, инсон деб аталмиш мавжудотнинг руҳий оламини юксак мақомларда мисраларга жо қила олган шеъриятдир. Руҳ ва тафаккур қўшилувининг меваси бўлган Абдулла Орипов ижоди бунинг мисолидир.

Давр ижодкорга мавзулар, туйғулар бериши мумкин. Лекин ҳамма гап бу ниятнн қай тахлитда ифодалай билишда, рўёбга чиқаришдадир. Шоирнинг олтмишинчи йиллар ўртасида ёзган «Уйларим», «Авлодларга мактуб», «Уйқу», «Темир одам», «Баҳор», «Арманистон», «Совға» ва бошқа шеърлари ижтимоий салмоғи, халқни уйғоқликка даъват этганлиги, кечмиш ўтмишимизга чуқур муҳаббатн, инсоний дарди, ҳақиқатга ташналиги, кечинмаларининг табиийлиги билан адабиётимизда воқеа бўлди.

Йиллар ўтган сари Абдулла Орипов ижодидаги сарбон туйғулар янада тўлишиб, мукаммаллашиб борди, фалсафий руҳи кучайди, кўлами кенгайди. Бу ҳол етмишинчи-саксонинчи йилларда ёзилган «Генетика», «Маломат тошлари», «Қўриқхона», «Учинчи одам», «Хайрлашув», «Диалектика», «Оломонга» кабн шеърларда айниқса ёрқинроқ намоён бўлди.

Она-юрт, туғилган диёр, Ватан — А. Орипов энг баланд мақомларда қаламга олган мавзудир. Шоир бевосита Ўзбекистонга шеър бағишлайдими, пахтани мадҳ этадими, ҳамма вақт кўз ўнгида жафокаш халқимиз, унинг муаммолари, ташвишлари туради. Миллатнинг уйғонишида, миллий ғурур туйғуларининг чуқур томир отишида, ҳар биримиз учун муқаддас бўлган Ватанга муҳаббатимизнинг янада ўткирлашишида шоирнинг ўтли қаламидан учган шеърларнинг аҳамияти каттадир.

Бугун қадриятлар қайта баҳоланаётган, том маънодаги долғали, «бола отасидан воз кечаётган», фикрлар курашига майдон торлик қилаётган давримиз ҳам шубҳасиз шоир назаридан четда қолмаяпти. Ҳар қандай зиддиятли даврларда бўлганидек, қарама-қаршиликларнинг кучайиши, мухолифликнинг сўнгги чегарага етиши, муаммоларнинг ҳаддан ошиқ кўплиги, йўл танлаш қийноғи, катта бир халқ қайғуси — буларнинг барчаси А. Орипов бугунги шеъриятининг ўзагини ташкил этади. Қайта қуриш деб аталаётган сўнгги беш-олти йилда ёзилган «Ишонч кўприклари», «Сафлар поклиги деб...», «Имзо йиғиш», «Саволлар», «Тоқат», «Тарақиёт», «Бегоналик», «Эътиқод» сингари шеърлар алғов-долғовли, бесаранжом кунларимизнинг шоир қалбида қолдирган изларидир. Уларда кўпчиликни қийнаётган саволлар ўткир қилиб қўйилади, ўзини ҳақиқатман деб даъво қилаётган сохтакорликлар қиёфаси намоён бўлади.

Бундан ўн беш йиллар илгари устоз адибимиз Пиримқул Қодиров юртимизнинг қишлоғу шаҳарларида А. Ориповга эргашиб, унинг йўлида шеър битаётган юзлаб шоирлар пайдо бўлганлиги ҳақида ёзган эди. Бугунги кунда уларнинг сони кўпайса кўпайган-у лекин озаймаганлиги аниқ. Абдулла Орипов ижоди ўзи тенги ва кейинроқ шеъриятимизга кириб келган авлод ижодига катта таъсир кўрсатганлиги ҳам ҳақиқат. Унинг «Она деган ном янглиғ бу ёруғ оламда битта бўлган Ватан» ҳақидаги оташин шеърлари, ҳар бири ўзи такрорланмас бир сайёра бўлган инсон деган зотнинг ўй-фикрлари, қувончу ташвишлари катта куч билан ифодалаб берилган шеърияти халқимизнинг чуқур ва самимий муҳаббатига, эҳтиромига сазовор бўлган. Биз ана шундай шоиримиз билан ҳар қанча фахрлансак, ифтихор қилсак арзийди.

Донёр БЕГИМҚУЛОВ.

Азим СУЮН

КЕЧ КУЗ ЭДИ...

Абдулла ОРИПОВга

Кеч куз эди,
Мен Бухорони
Кезиб юрар эдим сарсари.
Бирдан шовқин тутди самони,
Бир тўп бола, қичқирар бари:
— Ташлаб кетманг,
лайлакжонлар,
бизнинг она Бухорони.
Мен ҳайрона осмонга боқдим,
Кўрдим, ростдан, оппоқ
лайлаклар
Сўнгги даъфа қанотлар қоқиб
Минорани Калон айланар...
— Ташлаб кетманг,
лайлакжонлар,
бизнинг она Бухорони.

Кўз олдимда кетдилар учиб,
Қолди бемор ватан — минорлар.
Кўз олдимда бир-бирни қучиб,
Тўлиб, ўксиб йиғлар болалар:
— Кетдингиз-а, лайлакжонлар,
ташлаб она Бухорони.
Не йўқотдим сенда, Бухоро,
Нима излаб кўйингда чопдим?
Йўқ, билмайман, шу
дамда аммо,
Не излаган бўлсам мен
топдим!..
— О, токим бор бу болажонлар,
Бухорога қайтар оппоқ
лайлаклар.

ТАРИХИЙ МАСЪУЛИЯТ ТУЙҒУСИ

Ўтмиш тарихини тўғри ва пухта ўрганиш инсоният учун энг асосий билим манбаи ва маънавий зарурат бўлиб келган. Бундан ўн аср олдин улуғ мутафаккир Абу Райҳон Беруний ана шу заруратга ўзининг масъуллигини тўла ҳис этган ҳолда «Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар» номли тарихий асар ёзган эди. Бу манба босқинчи Қутайба ибн Муслим томонидан Хоразм ёзуви йўқ қилинганидан кейин жорий этилган янги араб имлосида битилган дастлабки тарихий асар бўлиб, ҳозир ҳам ўз қимматини йўқотгани йўқ. Ислом динидан олдин нишонланган баҳор байрами — Наврўзи олам ҳақидаги дастлабки маълумотлар ҳам бизга ана шу асар орқали етиб келди.

Рус ёзувчиси ва тарихчиси М. Н. Карамзин ўтмишга ниҳоятда тўғри муносабатда бўлиш зарурлигини таъкидлаб, агар биз ўтмишни унутсак, тарих биздан ўч олади, деб қатъий огоҳлантирганди. Афсуслар бўлсинки, бу васиятни шўро даврида, фирқа раҳбарлигида бутунлай эсдан чиқардик.

Маъмурий-буйруқбозлик ва партия яккаҳокимлигининг мўмин қулига айланган бизнинг тарихчиларимиз ўтмишга тош отиш у ёқда турсин, унинг устига тоғдек-тоғдек харсангларни ўрнатдилар.

Ахир шўро кишиларидаги худбинлик ва аҳлоқсизлик, падаркушлик ва муқаддас ҳис-туйғусизлик ўтмишнинг бизга теккан қарғиши эмасми?! Кеч бўлса-да, буни тушуниб етдик. Аммо асосий иллат, менимча, олимларимиз Ўзбекистон халқлари тарихига илмий ёндашишда баҳамжиҳат бўлолмаётганликларидадир. Уларни матбуотдаги фаоллигига қараб уч гуруҳга бўлиш мумкин: Бўрибой Аҳмедов, Ҳамид Зиёев, Марат Ҳасанов, Акмал Акромов, Рустам Шамсиддинов, Шоди Каримов, Ҳамдам Содиқов, Ашраф Аҳмедов каби катта ва кичик авлодга мансуб олимларнинг мақолалари Ўзбекистон халқлари тарихини демократик нуқтаи назардан қайта идрок қилишга, буюк рус шовинизми таъсиридан ҳоли тушунишга, унинг «оқ» ва «қора» доғларини тозалашга янгича дунёқарашдаги авлодни тарбиялашга ёрдам бермоқда.

Кўпчиликни ташкил этувчи иккинчи гуруҳ олимлар эса ҳалигача иккиланиб, аросатда, бор ҳақиқатни айтишдан ўзларини тийиб, «одоб» билан кузатиб турибдилар. Учинчи тоифадагилар хушомадгўйлик ва саждакорликка ўта тўйинганликлариданми, ҳамон «Ўрта Осиёнинг Россияга қўшилиши ва унинг прогрессив аҳамияти» каби эскича, аллақачон фош этилган тушунчаларини сақич қилиб чайнамоқдалар. Шунинг учун ҳам бизда она тарихимизни тиклаш ишлари суст кетмоқда.

Олий ўқув юртларида қайта қуришнинг амалий жиҳати СССР Халқ таълими давлат комитетининг «СССР Олий ўқув юртлари мутахассисликлари рўйхатига ўзгартириш киритиш ҳақида»ги махсус буйруғи (1990 й. 13 июль, 491-сон) дан бошланди. Унда шу вақтгача тайёрланаётган мутахассисликлар — «Партия ва совет қурилиши», «КПСС тарихи» олий ўқув юртларининг ўқув режасидан чиқарилганлиги эълон қилинди. Ижтимоий-сиёсий фанлар қайта номланиб, уларни ўрганиш кўлами аниқланди.

СССР Халқ таълими комитетининг «Мамлакат олий ўқув юртлари талабаларини инсонпарварлик (гуманитар) ва ижтимоий-сиёсий фанлар бўйича тайёрлаш тўғрисида»ги (1990 йил, 10 октябрь, 5/5-сон) қарори ҳозир муҳим аҳамият касб этмоқда. Бу ҳужжатда олий ўқув юртларида ижтимоий-сиёсий ва бошқа фанларни ўқитиш ишларини қайта қуриш йўллари, бизнингча, тўғри ва аниқ белгиланган. Уларда олий ўқув юртларининг мустақиллиги, ўқитиш сифатини яхшилаш, инқилобий покланиш руҳи, демократия ва миллий жиҳатлар тўла мужассамлашган. Аммо шу қарорни республикамизда амалга ошириш учун Ўзбекистон ССР Олий ва ўрта махсус таълим вазирининг биринчи ўринбосари Н. Науменко томонидан ректорлар, ижтимоий фанлар кафедралари мудирлари номига юборилган йўриқ хат ўз мазмуни билан кўпчиликни ажаблантирди. Ҳар томонлама «ўйланган» ва олий таълимни қайта қуришга йўл-йўриқ кўрсатувчи бу хатнинг таажжублантирадиган жойи нимада? Бу тўғрида муштарийлар «Халқ сўзи»да босилган Ўзбекистон ССР Олий ва ўрта махсус таълим вазири Ш. Алимовнинг «Меросдан баҳрамандлик йўлланмаси» ва тарихчи олим Ш. Каримовнинг «Тарихни садақа қилиб бўладими?» (1991, 31 январь) мақолалари орқали таниш.

Тарихимиз жонкуяри Ш. Каримов вазирнинг биринчи ўринбосари таклиф этган «Ўзбекистон халқлари тарихи»ни ўқитиш ишларига қатъий норозилик билдириб, аниқ ва мантиқли таклифларини ўртага ташлайди. Мен ҳам СССР Халқ таълими комитети қарори ва вазирлигимиз йўриқ хатини ўқидим. Хатнинг ғўр томонлари касбдошим кўрсатганидан ҳам кўпроқ экан. Улардан кўзга яққол ташлангани — бизнинг вазирлик томонидан СССР Халқ таълими комитетининг қарори сохталаштирилганлиги бўлди. Келинг, комитет раиси Г. А. Ягодин ўтган йил 20 октябрда имзо чеккан 5/5-сонли қарор билан вазирлигимизнинг ижтимоий фанлар бошқармаси (раҳбари Ю. И. Каплун) тайёрлаган ва вазирнинг биринчи ўринбосари Н. Науменко имзолаган йўриқ хатни қисман таққослаб кўрайлик: комитет қарорида «Сиёсий тарих» курсига XX аср сиёсий тарихи, СССР сиёсий тарихи, СССР-даги партиялар ва ижтимоий ҳаракатлар тарихи кириши кўрсатилса, вазирлик хатида «Сиёсий тарих» курсига «Ўзбекистон сиёсий тарихи» бўйича махсус курс киритилиши белгиланган. Биринчи ҳужжатда «Фалсафа» курсида фалсафага кириш, билиш назарияси ва диалектикаси, ижтимоий фалсафа, фалсафа тарихи бўлимларини ўрганиш белгиланса, вазирлик бу курсда «Ўрта Осиё мутафаккирларининг фалсафий мероси» деган махсус курс бўлиши кераклигини таъкидлайди. Комитет қарорида «Иқтисодий назария» курсига иқтисодий назариянинг асослари ва хўжалик юритишнинг амалиёти, сиёсий иқтисод, жамиятнинг иқтисодий тузилмаси, иқтисодий таълимотлар тарихи киритилса, вазирлик хатида «Иқтисодий назария» курсида «Бозор иқтисодиёти асослари ва унинг Ўзбекистон халқ хўжалиги механизмидаги хусусиятлари» номли махсус курс бўлиши кўрсатилади. Агар қарорда «Маданиятшунослик» курсига жаҳон ва ватан маданияти тарихи ҳамда назарияси, СССР халқлари маданияти тарихи, санъатшунослик, «Тасвирий санъат тарихи», «Жаҳон ва ватан адабиёти тарихи»ни киритиш белгиланса, вазирлик хатида бу курсда «Ўзбекистон маданияти тарихи», «Этика» фанида «Ўзбекистон халқларининг ахлоқий-одобий (этика) анъаналари», «Эстетика» фанида «Ўзбекистон халқларининг эстетик анъаналари», «Дин тарихи ва атеизм» фанида эса «Ислом тарихи ва мусулмон эркин фикрлилиги» бўлимларини ўқитишни тавсия этади.

Зукко муштарийлар бу ердаги номутаносибликни фарқлаб олган бўлсалар керак. Комитет юқорида мустақил курсларга қандай бўлим ва фанлар киритилиши кўрсатилган, вазирлик йўриқ хатида эса уларнинг ўрнига махсус курслар «ўйлаб» топилган. Бизнингча, бу ерда вазирлик «Махсус курслар» тушунчасини ҳам унутганга ўхшайди. Ахир махсус курслар ҳар доим мутахассислик кафедраларида бўлажак кадрларнинг билимини янада чуқурлаштириш мақсадида ўқитилиб келиниши ҳаммага маълум-ку!

СССР Халқ таълими комитетининг қарорида гап талабалар умумий билимини оширувчи қўшимча фанлар мажмуаси — инсонпарварлик ва ижтимоий-сиёсий фанлар ҳақида кетаётганлигини наҳотки илғаш қийин бўлса?!

Вазирлик йўриқ хатида яна бир қарама-қаршиликлар бор. Унда кўрсатилган 8 та махсус курс ҳозир ўқитилаётган фанлар ва уларнинг кафедраларини, қолаверса, профессор-ўқитувчиларни бир-бирига қарши қилиб қўйган. Масалан, «Маданиятшунослик» курсига киритилган «Ўзбекистон маданияти тарихи» Ўзбекистон халқлари тарихига тегишли. Бу каби мисоллар кўп. Юқорида айтилганлар инсонпарварлик ва ижтимоий-сиёсий фанлар ҳамда уларнинг профессор-ўқитувчилари орасига рахна соладиган нотўғри «ечим»дир.

Комитет қарори асосан ўқитишда инсонпарварликни кучайтиришга қаратилган. Аммо вазирликнинг хатида бунинг акси уфуриб турибди. Қарорнинг 2-бандида ўқитишни янги тартиботга ўтказишда ҳудудий ва миллий хусусиятлар ҳамда кафедраларнинг илмий-ижодий имкониятлари ҳисобга олиниши алоҳида таъкидланган. Вазирликнинг йўриқ хатида бунга ҳам эътибор берилмаган.

Инқилобий қайта қуриш шарофати билан одиллик ва қонунийликни тиклаш мақсадида ноҳақ қатағон қилинган кишилар оқланмоқдалар, ҳуқуқлар тикланмоқда. Бу бизнинг миллий тарихимизга ҳам бевосита тегишли. У зудлик билан мустақил бўлишга интизор. Буни Ўзбекистон ССРнинг мустақиллиги ҳақидаги декларация ҳам тақозо этади.

Вазирнинг «Халқ сўзи»да босилган мақоласида олий ўқув юртларида таълимни қайта қуриш соҳасида амалга оширилган ишлар мажмуаси кўрсатилган. Умуман, вазирлигимиз амалга ошираётган тадбирлар тахсинга сазовор. Бу мақола аа вазирлик яқинда олий ўқув юртларига юборган янги кўрсатмада «Ўзбекистон халқлари тарихи», тиббиёт, техника ва табиий билимлар, ҳуқуқшунослик, филология мутахассисликлари учун ҳозирча ўттиз соатлик ҳажмда ўқитилиши, кейинги 2—3 йилда у 70 соатга, иқтисод, ижтимоий ва маданият мутахассисликларида эса 140 соатга етказилиши таъкидланган. Менимча, бу хайрли ишни икки-уч йил ортга сурмасдан, шу йилнинг сентябридан олий ўқув юртларида энг камида 100—120 соатлик ҳажмда ўқитиш мумкин. Бунга маблағ, илмий-ижодий куч, манба ва бошқа имкониятлар етарли. Фақат «Ўзбекистон халқлари тарихи»нинг бошқа фанлар орасидаги ўрни ва мавқеи тўғри белгилаб олиниши зарур.

Сотимжон ХОЛБОЕВ,
Тошкент давлат университети сиёсий тарих кафедрасининг доценти.

1991 Алишер Навоий йили

ЁДЛАБ ОЛИНГ

КЎЗУМ УЧАДУР, МАГАРКИ ЁРИМ КЕЛАДУР,

ЭС ҲАР ДАМ ОЗАР, МАГАР НИГОРИМ КЕЛАДУР.

Ё БОДИЯИИ ФИРОҚ САЙРИДА ҚИЛИБ,

ЮЗ МАРҲАЛА ҚАТЪ ШАҲСУВОРИМ КЕЛАДУР.

Навоийни тушунмоқ учун

Тил яқинд — дил яқин

АНГАЛ — ҳалал етказувчи, ортиқча, бегона; ёқимсиз киши.

АНГАЧА — унгача; у пайтгача, у вақтгача.

АНГЕЗ/АНГИЗ — қасд, хоҳиш, тезлаш; интилиш.

АНГЛА — 1. тушунмоқ, фаҳмламоқ; билмоқ, хабардор бўлмоқ.
2. ажратмоқ, фарқ қилмоқ.

АНГУШТНАМО — шуҳрат, донг таратган, обрў-эътиборли; ҳаммани қойил қолдирган.

АНГУШТХОЙ — ҳайратда қолган, ҳайрон; афсусланиш.

АНДА — унда; у ерда.

АНДАК — бир оз, озгина, пича, жиндай.

АНДАЛИБ — булбул.

АНДАР — дар олд кўмакчининг қадимги формаси; ўрин-пайт келишиги қўшимчаси «да»га тўғри келади.

АНДАҒИ — ундаги; у ердаги, у жойдаги.

АНДЕШ // АНДИШ — 1. фикр-ўйлов, мулоҳаза;
2. мулоҳазали.

АНДЕША // АНДИША — 1. ўй, хаёл, фикр, мулоҳаза;
2. мақсад, қасд;
3. қўрқинч, хавф.

АНДЕШАВОР — мулоҳазали фикр, мақсади монанд.

АНДЕШАЛИК — мулоҳазали, фикрли.

АНДИЖОНЛИК — Андижон шаҳридан чиққан.

АНДИН — ундан.

АНДОЗ — 1. қасд, душманлик;
2. отиш, улоқтириш;
3. мўлжал, интилиш, чамага олиш.

АНДОЗА — 1. ўлчов; қолип; ҳад; меъёр;
2. намуна, қиёс; солиштириш, ўхшаш:
3. юксаклик, баландлик.

АНДОЗАСИЗ — беқиёс, беўлчов; беҳисоб, чексиз, чегарасиз.

АНДОМ — 1. қадди-қомат, тан, бўй; бадан, жисм:
2. афт, башара, қиёфа:
3. оройиш, тартиб; ярашиғлик:
4. кўркамлик, манзурлик; оройиш; тартиб;
5. кўриниш:
6. аъзолар, инсон аъзолари.

АНДОҚ // АНДОҒ — ундай, шундай, шунча, шу қадар, шу даражада.

АНДУД — қопланган, суртилган, сувалган; мустақил маъноли сўзларга қўшилиб қўшма сўз ва иборалар ҳосил қилади.

АНДУЗ — қўшма сўзларда ёрдамчи компонент бўлиб келиб ҳосил қилувчи, олувчи каби маънолар беради.

АНДУҲ — ғам, алам, қайғу, дард, ранж.

АНДУҲАФЗО — ғам, қайғу келтирувчи; мунгли, қайғули, ғамгин.

АНДУҲЛИҒ — қайғули.

АНДУҲЗО — қайғу, ғам орттирувчи, қайғу келтирувчи.

АНДУҲНОК — ғамли, қайғули, дардли.

АНДУҲОСО — ғам аралаш, қайғу, ғам билан.

АНДУҲТА — йиғилган, тўпланган, ҳосил қилинган, натижа.

АНЖОМ — 1. оқибат, охир, интиҳо, поён, тугаш, сўиг; натижа:
2. бажариш, тугалланиш.

АНЖУМ — 1. юлдузлар:
2. дурлар.

АНЖУМАН — 1. кўпчилик, жамоат:
2. йиғин, мажлис, маърака.

АНЖУМАНДИДА — мажлис кўрган, кўпни кўрган, тажрибали.

АНЖУМАНОРОЙ — йиғилишга ҳуси берувчи, даврани безатувчи.

АНЖУМАНПАРДОЗЛИК — мажлисни қизитувчилик.

АНЖУМГУРУҲ — кўп фуқаролик (шоҳ).

АНЖУМРАБОЙ — юлдузни ўзига тортадиган, юлдузларни нишонга олувчи.

АНЖУМРЕЗ — 1. юлдузлар нур ёғдириши, юлдузлар учиши:
2. ёмғирга ўхшаш кўз ёши.

АНЖУМСОН — юлдуз каби, юлдузга ўхшаш; атрофини юлдуз ўрагандек.

АНЖУМШУНОС — астролог, мунажжим.

АНЗОР — назарлар, қарашлар, боқишлар; текшириш.

АНИ — уни.

АНИС — дўст, улфат, ҳамсуҳбат, сирдош, ҳамдард.

АНИФ — қўпол, дағал, раҳмсиз; қаҳрли.

АНКАБУТ — ўргимчак.

АНКАР — жуда ёқимсиз, хунук; ёқимсизроқ.

АНО // ОНА — I. она, волида.

АНО II. — қийинчилик, машаққат, азоб; ранж.

АНОДИЛ — булбуллар.

АНОЛИҒ//ОНАЛИҒ —оналик.

АНОМ — кишилар, халқ; коффаи аном — барча одамлар, барча халқ.

АНОНИЯТ — 1. худбинлик, манманлик, такаббурлик:
2. иззат нафси, ғурури.

АНОР — анор (мева).

АНОСИР — моддалар; бирон нарсанинг таркибий қисмлари;
унсурлар.

АНСАБ — муносиброқ, лойиқроқ; энг муносиб, энг лойиқ.

АНСОР — мадад берувчилар, ёрдамчилар, тарафдорлар; Муҳаммад пайғамбарга мадад бўлган Мадина аҳолиси;

АНФАЪ — фойдалироқ; энг фойдали, нафли.

АНФОС — 1. дамлар, нафаслар:
2. тил, овоз, сўз, сўзлаш оҳанги.

АНЧА — 1. кўп, бирмунча:
2. шунча, шунчалик.

АНҚАРИБ — чамаси, эҳтимол, шекилли; яқинда, яқин орада.

АНҚО — 1. Коф тоғида яшайдиган афсонавий қушнинг номи:
2. Топилмас, нодир, ягона.

АНҲОР — дарёлар, сойлар, каналлар, оқар сувлар.

АНҒА — унга.

АОЛИ — уруғлар, олий зотлар.

АРАБЛАР ХУРСАНД

Усмон Юсупов районидаги Ульянов номли давлат хўжалигида совет араблари миллий маданият маркази очилди. Қарши давлат педагогика институти фалсафа кафедрасининг мудири, фалсафа фанлари доктори, профессор Анвар Чориев марказ президенти, Ульянов номли давлат хўжалиги директори, Ўзбекистон ССР халқ депутати Муродилло Саидов вица-президент этиб сайландилар.

Миллий маданият марказининг асосий вазифаси Қашқадарё вилояти ҳудудида ва ундан ташқарида яшаётган араб миллатига мансуб аҳолининг маънавий-маданий эҳтиёжларини қондириш, тамомила йўқолиб кетиш арафасида турган она тилини сақлаб қолиш ва янада ривожлантириш, миллий мактаблар очиш, арабларнинг Ўзбекистонга, хусусан Қашқадарёга келиб қолишлари тарихини холисона ўрганишдан иборат. Шунингдек Иттифоқ, республика ҳудудида, хорижий мамлакатлардаги араблар билан биродарлик алоқаларини ўрнатиш, араб тилида адабиётлар чоп этиш, миллий анъаналар, расм-русмларни тиклаш кўзда тутилган.

Ш. ШАРОПОВ,
С. ЧОРИЕВ,
Қашқадарё вилояти араб маданияти марказининг матбуот бўлими аъзолари.

Тошкентдаги Н. Островский номидаги кашшофлар саройида Ёш наққошлар ва кулолчилар тўгараги иш бошлади. Унинг раҳбари СССР Рассомлар уюшмаси аъзоси Раҳматилла Орифжонов ёшларга кўҳна касб сирларини ўргатишдан сира чарчамайди.

СУРАТДА: (ўнгда) **Р. Орифжонов тўгарак аъзолари билан.**

Р. АЛЬБЕКОВ
суратга олган.

Инсон ва қонун

ОНА сиймоси инсоният тафаккурида ҳамиша энг мўътабар ўрин эгаллаб келган. Бу ҳол адабиётимизда ҳам, турли анъаналарга бой бўлмиш халқ оғзаки ижодида ҳам ўзининг ёрқин ифодасини топган. Оналикнинг бу қадар юксак ҳурмат қозонишига сабаб фарзандларга бўлган меҳр-муҳаббати, уларни улғайтириш йўлидаги фидокорлигидир. Маълумки, ривоятларнинг бирида севгилисини хушнуд қилиш учун ўз онасининг юрагини суғуриб олиб кета турган йигит қоқилиб йиқилади, шунда она юраги тилга кириб: «Оҳ болам, қаттиқ йиқилмадингми?» дея нидо қилади. Онанинг фарзандлар камолоти йўлида ўзини ҳеч иккиланмай қурбон қилишига кўплаб ҳаётий мисоллар келтириш мумкин.

Аммо шундайлар ҳам борки, улар она шаънига доғ туширмоқдалар. Ўз фарзандларининг кушандаси бўлган аёлларни оналар деб атамаганлигим учун муштарийлар мени кечирарлар деб ўйлайман.

Бундан қарийб уч йил олдин вилоятимизнинг Жалақудуқ районида рўй берган фожиа қалбларга ҳамон изтироб солиб келмоқда. Кўз олдингизга келтиринг: оппоқ чойшаб солинган кичик ўриннинг икки четида икки ўғил, ўртада икки қизалоқ қатор ётишибди, худди ухлаётгандек. Аммо уларнинг нозик бўйинларидаги панжа излари, лабларидан сизиб чиққан қон томчилари олти яшар Муридил, беш яшар Манзура, уч яшар Мансурбек ва бир ярим яшар Наргиза уйқуси абадият қаърига сингиб кетганлигидан гувоҳлик берарди. Ушбу қабиҳ жиноятни эндигина 27 баҳорни қаршилаган Замира Тешабоева содир қилган. Минг надоматлар бўлсинки, мурдага айланган болалар унинг фарзандлари эди.

Турмуш ўртоғи Иброҳим Тешабоев Замирани бир неча йилдан бери сурункали равишда уриб, хўрлаб келаркан. Эру хотин ўз жиноятлари учун одил суд олдида жавоб бердилар: Замира 10 йил, эри эса 5 йил муддатга озодликдан маҳрум этилди. Аммо менинг фикримча, энг оғир жазо 4 бегуноҳ фарзанднинг хотираси томонидан берилади ва бу жазо умрбод қолади.

Ушандан кейин инсонийликка мутлақо зид бўлган бундай ҳодиса бошқа юз бермаслигига қаттиқ ишонган эдик, лекин афсуски...

— Жалақудуққа қўшни Қўрғонтепа районида 26 яшар Муҳаррам Умрзоқова ўзининг уч нафар боласи: тўрт яшар Улуғбек, икки яшар Ойбек ва беш ойлик чақалоқ Мавлудани Шарҳонсой дарёсига чўктириб юборди. Кейин ўзини ҳам сувга ташлади.

Тергов даврида илгари Жалақудуқда содир бўлган фожиа тафсилотларини айнан такрорловчи ҳолатлар аниқланди: яна ўша сурункали тус олган оилавий жанжаллар, эрнинг хотинини болалари олдида дўппослаши, хўрлаши. Нишонбой Умрзоқовнинг хулқ-атвори Иброҳим Тешабоевдан деярли фарқ қилмас эди. Рўй берган фожиада уларнинг ҳам бевосита айби бор, албатта.

Изтиборга солувчи ҳолатлардан бири шуки — бу икки зўравон эрнинг танобини тортиб қўядиган бирон-бир инсон топилмаган. Аксарият қўшнилар уларникида бўлган уриш-жанжаллардан хабардор эдилар.

Участка инспекторлари Х. Мусаков ҳам, Р. Усмонов ҳам бу шахсларни яхши билибгина қолмай, балки уларнинг қилмишларини вақти-вақти билан расмийлаштириб ҳам турганлар, аммо асосан уларнинг ҳаракатлари зўравонларни оғзаки тартибга чақириш билангина чекланган. З. Тешабоева бир неча марта турли ташкилотларга, жумладан қишлоқ Советига ҳам нажот сўраб, мурожаат қилган. Аммо унинг дардига ҳеч ким жиддий қулоқ тутмаган. Ҳар икки воқеадан кейин уларнинг сабабларни чуқур ўрганиб чиқилди ва лоқайдликка йўл қўйган қатор масъул ходимлар интизомий жазога тортилди.

Ўз болалари жонига қасд қилган ҳар икки аёлнинг ҳаёти жуда оғир кечган, оилаларида ҳузур-ҳаловат бўлмаган. Буни уларнинг ўз эрларига ёзган сўнгги мактублари ҳам яққол исботлайди: «Сиз биздан умрбод рози бўлмадингиз, шунинг учун розилик сўрамадик, яна ўзингиз биласиз. Мен учун икки йил дўзах бўлди, болаларимни онасига қарши қўйишингизни истамайман, ишониб ташлаб ҳам кетмайман. Мана энди кўзингизга бошқа кўринмаймиз, ё сиз, ё бувингиз мақсадингизга етдингиз». Тешабоеванинг бу хатида оиладаги жабр-ситамдан ташқари, қайнонаси орасидаги ёмон муносабат ҳам жиноятни амалга оширишда маълум бир туртки бўлганлигини таъкидлаш жоиз. Дарҳақиқат, терговда аниқланишича, уларнинг ўртасидаги адоват тўйдан кейиноқ вужудга келган экан: моддий жиҳатдан қийин аҳволда бўлган куёвнинг оиласи келинга қилинаётган сепларнинг баъзи бирларини қўшнилардан олиб турган ва тўйдан кейин «сеплар» эгаларига қайтиб берилган. Бу эса бора-бора катта жанжалларга сабаб бўлган.

Энди иккинчи мактубга назар ташлайлик: «Эсли, чиройли хотин олиб яшанг, мен тўйдим, мендан қолган болалар нима бўларди».

Ҳар икки воқеада ҳам аёллар болаларини ўзларининг ёвуз ниятларини амалга ошириш йўлида ҳалок қилганлар. Бу хулосани шарҳлайдиган бўлсак, айтиш мумкинки, Тешабоева ҳам, Умрзоқова ҳам болаларини турмуш ўртоқларига, уларнинг қариндошларига аччиқ қилиб, қолаверса, улардан ўч олиш учун атайлаб ўлдирганлар. Яъни болалар жиноий мақсадни амалга оширишда интиқом воситаси бўлиб қолган.

З. Тешабоева суддаги сўзида қуйидаги ҳолатни (эҳтироссиз?!) сўзлаб берди: у уч боласини бўғиб ўлдиргач, тўртинчисини излаб ҳовлига чиқади ва ногоҳон товуғи катакдан чиқиб кетганлигини кўриб, уни қамаб қўяди. Шундан кейингина тўнғич ўғлини ичкарига етаклаб кириб кетиб, уни ҳам ўлдиради. Умрзоқова эса уч боласини ўлимга олиб кета туриб, қатиқ уютиб қўйганлигини ва уни ичиб қўйишларини сўраб, хат қолдиради...

Бу воқеаларнинг бошқа ижтимоий илдизлари ҳам йўқ эмас. Юқорида кўрсатилган ҳар икки оила ҳам моддий жиҳатдан ниҳоятда оғир кун кечирган. Масалан, З. Тешабоеванинг кўрсатишича, болаларини ўлдириш, ўз жонига қасд қилиш (у шифокорларнинг ҳаракати туфайли омон қолган) фикри фарзандларини суви қочган ярим буханка нон билангина тушлик қилдираётган пайтда келган. Албатта, жумҳуриятимизда кўплаб кишилар шундай қийин аҳволда яшамоқдалар, аммо бу оилалар бекаларининг матонати, ақл-идроки ва фарзандларига бўлган меҳри туфайли қийинчиликлар енгиб ўтилмоқда.

Айни пайтда, ночор оилаларга моддий ёрдамни кучайтириш тадбирларини ҳам кўрмоқ зарур. Республикамизда бу соҳада илк қадамлар қўйилмоқда. Айниқса, жойларда тузилаётган Меҳр-шафқат жамиятлари, турли хайрия жамғармалари муаммони ҳал қилишга ижобий таъсир кўрсатмоқда. Республика Президентининг илк фармонлари кам ҳақ олувчи фуқароларнинг, кўп болали оналарнинг ижтимоий ҳимоясини ташкил қилишга, уларга қўшимча имтиёзлар яратишга бағишланганлиги эътиборлидир.

Фармон қабул қилинди, муҳими— уни ҳаётга татбиқ этишни пайсалга солмаслик керак. Бу табаррук ишдан бирорта давлат органи, жамоат ташкилоти, меҳнаткашлар жамоаси четда қолмаслиги лозим. Шуниям таъкидламоқчимизки, Андижон вилояти прокуратураси кам ҳақ олувчи фуқаролар оилаларининг ижтимоий ҳимоясини кучайтириш ва уларга қўшимча имтиёзлар бериш ишини текширишни ўзининг биринчи ярим йиллик иш режасига киритган.

У. ИНОМЖОНОВ.
Андижон вилоят прокурори.

(МУАЛЛИФ: Мазкур мақола учун қалам ҳақини СССР Болалар жамғармасининг Андижон вилояти бўлинмасига ўтказишингизни илтимос қиламан).

ДИЛЛАР ЗАВҚ-ШАВҚҚА ТЎЛДИ

Наврўз! Бу сўз замирида кўклам тароватн, олам-олам нафосат, тугунмас завқ-шавқ, бетакрор гўзаллик мужассамдир.

Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги машинасозлиги бирлашмаси ва унга қарашли даволаш муассасасида нишонланган Наврўз тантаналарида ҳам эзгу тилаклар, дилрабо қўшиқлар ва шўх рақслар янградн. Бош врач А. Сайфуллаев ташаббуси билан даволаш муассасаси жойлашган маҳалла фахрийлари, Улуғ Ватан уруши иштирокчилари ва ёлғиз кишилар махсус безатилган байрам дастурхонига таклиф этилдилар.

Қ. Искандаров, Ҳ. Зокирова ижросидаги қўшиқлар, «Ўзбексельмаш» заводининг 255-болалар боғчаси дастаси жажжи қатнашчиларининг чиқишлари барчага манзур бўлди. Наврўз байрамини ўтказишда шифо маскани бўлим мудираси Лола Ғуломова ҳамда бош ҳамшира Матлуба Миркаримова фаоллик кўрсатишди.

Ҳ. СУЛТОНОВА.

ШИФОБАХШ ГИЁҲЛАР ХОСИЯТИ

Ўзбекистон Фанлар академиясининг ўсимлик моддалари кимёси илмий-тадқиқот институти олимлари Ўрта Осиё республикалари ҳудудида ўсадиган шифобахш гиёҳлардан янги дорилар ишлаб чиқаришни йўлга қўйдилар.

Сурхондарё, Тошкент вилоятларининг тоғли районларида кўп учрайдиган Омонқора ўсимлиги институт лабораториясига келтирилиб кимёвий, физик, биологик хоссалари тадқиқ қилингач, ҳаммаси ойдинлашди. Ундан болалар мияси яллиғланганда, қон босими ошганда, нафас сиқиш хасталиги хуруж қилганда қўлланса яхши самара берадиган дорилар тайёрлаш мумкин экан.

Ибн Сино нафас сиқиши, нафас йўлларининг яллиғланиши, балғам кўчириш каби хасталиклар билан оғриган беморларга анжир мевасини едиришни тавсия этганлиги институт олимлари эътиборини тортди. Улар буюк ҳаким кимага асосланганини ўрганишга киришдилар. Буни қарангки, анжир баргида кишининг терисига оқ тушган (пес) жойга, соч тўкилиб кетганда (кал) суркалса наф берадиган моддалар бор экан.

Қирғизистон тоғларидан териб келтирилган паппи ўсимлиги таркибида юрак фаолиятининг ҳаяжон ёки қўрқув таъсирида юз берадиган ўзгаришларини бартараф этадиган аллапенин моддаси кўплиги маълум бўлди. Юқорида номлари зикр этилган шифобахш ўсимликлардан тайёрланган дорилар институтнинг тажриба участкасида синовдан ўтди. Ҳозир институтнинг мўъжазгина корхонасида ана шу ўсимликлар, яъни Омонқорадан галантамин, анжир баргидан псоберан, исириқдан дезоксипеганин каби дорилар тайёрланмоқда. Бу дориларнинг кимёвий-синтетик усулда тайёрланган турдошларидан афзаллиги шундаки, улар беморнинг бошқа аъзоларига заррача таъсир этмайди.

Исматилла ТОШЕВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

ЗИҒИР МОЙИДАН ПАЛОВ

ЖИЗЗАХ районидаги «Москва» жамоа хўжалиги аъзоларининг қозонларида зиғир мойидан тез-тез палов дамланаяпти.

Ҳозир хўжаликнинг марказий омборида ишлаб турган мойжувозда кунига 120—140 килограммдан зиғир мойи олинмоқда. Ўтган йили мойжувоз хўжаликка 4 минг сўм фойда келтирди. Борига барака-да!

— Энди эски тегирмонни ҳам таъмирлаб, ишга солмоқчимиз, — дейди хўжалик раиси Асқар Эшонқулов. — Ўшанда ун танқислигини ўз кучимиз билан йўқ қиламиз.

Икром МУЗАФФАРОВ.

АЖОЙИБ ДУНЁ

«ТИРИК» МАНИКЕН

● АҚШДАГИ ИЛМИЙ-тадқиқот олий илмгоҳларидан бири бўлган Бетел институти лабораториясида Манни деб ном қўйилган «жонли» тулум (маникен) ихтиро қилинди. У худди одамлардек ҳаракатда бўлади, нафас олади, терлайди, шунингдек, танасидан маълум миқдорда иссиқлик ҳам ажралиб туради.

Манни костюмларни, умуман одамлар киядиган кийимларни, кимёвий моддалардан энг юқори иссиқ ёки аксинча совуқдан инсон танаси қай даражада муҳофаза қилинишини синаб кўришга мўлжалланган.

Маннининг барча ҳаракатлари компьютер орқали бошқариб турилади.

ЯНА БИР РЕКОРД

● ҲИНДИСТОННИНГ Ҳайдаробод шаҳрида яшовчи 29 яшар Шринивас исмли актёр узлуксиз тақлид қилишда жаҳоннинг янги рекордини ўрнатди. У тўхтовсиз 32 соат мобайнида таниқли снёсат арбоблари ва кино юлдузларини «масхаралади», турли қуш ва ҳайвонларнинг овозини ўхшатди. Унинг бу томошаси «Гиннеснинг рекордлар китоби»дан ўрин олди. Шринивас илгариги етти соатли жаҳон рекордини бирданига тўрт баробарга янгилади.

* * *

● ЯНА БИР ҳиндистонлик 32 яшар Жагдиш Сингх ҳам қорни билан судралиб юришда жаҳон рекордини ўрнатди. У севимли худоси Матунинг кўнглига раҳм-шафқат солиш учун 15 ой мобайнида Жамна ва Кашмир штатлари бўйлаб 1400 километр масофани судралиб босган.

КЎП ХОТИНЛИ КИШИ

● ЗИМБАБВЕДА яшовчи Тхума Нзумокасе исмли кишининг 24 хотини бор. Фарзандлари эса 139 нафарга етган. Ўтган йили уч хотини унга яна ворис туҳфа этди, бошқа уч рафиқаси эса талоқ хати талаб қилмоқда. Оила бошлиғининг эса ҳеч нарса билан иши йўқ — яқинда 13 яшар яна бир қизчага уйланиб олди. Бу кўп болали оила мамлакатдаги қолоқ қишлоқлардан бирида яшайди. Нзумокасе табиблик билан шуғулланади. Унинг йиллик даромади 95 минг доллар. Оила бошлиғи бир ҳафтага бир тонна жўхори уни, 48 шиша зиғир ёғи, 500 дона нон, 80 килограмм қанд, битта мол сотиб олади. Бундан ташқари у болаларига илм олишлари учун пул ҳам тўлайди.

МУЗҚАЙМОҚ ҚАЕРДА ТАЙЁРЛАНГАН?

● МУЗҚАЙМОҚ ХИТОЙДА бундан 3 минг йил илгари пайдо бўлган. Уни қор ва хўл мевалар шарбатидан тайёрлашган. Лимон ва апельсин шарбатлари қўшиб тайёрланган музқаймоқлар жуда қадрланган. Европада музқаймоқ тайёрлаш усули XIII асрдагина пайдо бўлган. Уни венециялик машҳур сайёҳ Марко Поло олиб келган.

ПИШЛОҚ БЕРАДИГАН СИГИР

● КЕЛАЖАКДА СИГИРЛАР қандай кўринишда бўлади? Баъзилар бунга истеҳзо билан: «Нима бўларди, шохи, туёғи... бўлади-да» —дейишлари мумкин. Нидерландия қишлоқ хўжалиги университети олимлари ҳамда сут ишлаб чиқаришни ўрганиш институти мутахассислари олиб борган кузатувларига таянсак, бунга қўшимча қилиш мумкин. Уларнинг фикрича, яқин орада сигирлар «тор ихтисослик»ка эга бўладилар. Бирининг сутидан пишлоқ олинса, иккинчисидан ёғ олинади. Учинчисининг сути эса фақат дўконларга сотувга чиқарилади. Сут сифати сигирнинг наслига ва қон таркибига боғлиқ бўлишини олимлар аниқлаганлар.

Бош муҳаррир: Аҳмаджон МУХТОРОВ.

Таҳрир ҳайъати: Анвар ЖЎРАБОЕВ (бош муҳаррир ўринбосари), Абдуқаҳҳор ИБРОҲИМОВ, Абдували ИМОМАЛИЕВ, Йўлдош ИСМОИЛОВ, Тоҳир МИРҲОДИЕВ, Турғун НАЗАРОВ (масъул котиб), Ҳабибулла ОЛИМЖОНОВ, Абдукарим РАҲИМБЕРДИЕВ (бош муҳаррир ўринбосари), Азим СУЮН, Тоиба ТУЛАГАНОВА, Муҳтарама УЛУҒОВА, Сайди УМИРОВ, Норбобо ШАКАРОВ, Муҳаммад Содиқ Муҳаммад ЮСУФ, Ориф ЮНУС.

МАНЗИЛГОҲИМИЗ: 700000, ГСП
Тошкент шаҳри, Ленинград кўчаси, 19-уй.

Босмига топшириш вақти 21.00
Босмига топширилди 20.00.

Индекс: 64608. 5117-буюртма.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси.

1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12